O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 26-may, chorshanba ● № 22 (673) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

БИРИ ТОМОРҚАСИНИ ГУЛЛАТИБ ҚЎЙИБДИ, БИРИ...

Эътибор беринг: бир кўчадаги ўнта хонадонда томорқа учун ажратилган ер миқдори, шароити, имконияти бир хил бўлсада, ундан фойдаланиш даражаси ва оила бюджетига келадиган даромад турлича. Савол туғилади: бунинг сабаби нимада?

➪ 3-бет

МУТОЛААГА ҚАЙТИШ – ЎЗЛИККА ҚАЙТИШ

Бугун ахборот-коммуникация технологиялари кириб бормаган жабҳанинг ўзи қолмади ҳисоб. Ғарб келажакшунос олимлари таъбири билан айтганда, инсоният чин маънода ахборот асрига қадам қўйди. Бунинг эса ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари бўлиши табиий.

➪ 4-бет

ИЖОД — ҲАМКОРЛИК МАҲСУЛИ



Ижро, мусиқа ва матннинг бир-бирига уйғунлигини таъминлаш учун, аввало, қўшиқнинг яратилишига дахлдор ҳар учала инсон ҳам ўз соҳасининг билимдони, бадиий адабиётдан, миллат тарихидан, ўзбек қўшиқчилик санъатининг кечаги куни ва бугунидан яхшигина хабардор бўлишлари шарт.

➪ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ 21 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ян Цзечини қабул қилди.

Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш ҳамда Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ **22 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси иштирокчиларини қабул қилди.**

Учрашувда ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкентда бўлажак мажлисига тайёргарликнинг бориши муҳокама қилинди, шунингдек, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга доир долзарб масалалар кўриб чиқилди.

■ 22 май куни Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисига (Тошкент, 2010 йил 10-11 июнь) тайёргарлик юзасидан Ташкилот доирасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид қатор долзарб вазифалар кўриб чиқилди.

Шунингдек, долзарб минтақавий ва глобал муаммолар, жаҳондаги вазият ривожининг асосий тенденциялари, шунингдек, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, ШҲТнинг нуфузли халқаро тузилма сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, унинг бошқа халқаро тузилмалар билан алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ўзаро фикр алмашилди.

■ **Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг "Uzbekistan Agrominitech Expo — 2010" халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси бўлиб ўтди.**

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур кўргазма-савдо ҳақиқий деҳқон ва тадбиркорларнинг тажриба алмашиш, музокаралар олиб бориш майдонига айланиб улгурди. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг фаолиятини кенгайтиришга, қўшимча иш ўринлари яратишга, пировардида мамлакатимиз иқтисодиёти янада мустаҳкамланишига хизмат қилаяпти.

Сўнгги қўнғироқ жаранги

ҳар биримизга умрнинг энг беғубор фасли— болаликнинг шўх-шодон онларини эслатади, беихтиёр кўнгилларни энтиктириб, кўзларни ёшлантиради.

Вақт ўтган сайин "Монна Лиза" асарининг қадри қанчалик ошиб борса, сўнгги қўнғироқ ҳам инсон улғайгани сари шунчалар қадрланаверади. Балки у сизга биринчи муҳаббатингизни, орзуларга лиммо-лим беғубор болалигингизни эслатар!.. Не бўлганда ҳам буларнинг барчаси сиз учун қардлидир.

Бугунги битирувчилар аввалгиларидан фарқ қилади. Бугунги битирувчи ўз фикрига, режаларига эга. Истиқлолга эришилгандан сўнг амалга оширилган улкан ишлардан бири таълим тизимидаги мисли кўрилмаган ўзгаришлар бўлди, десак, муболаға эмас. Асосий эътибор ёшларнинг жисмоний ва маънавий тарбиясига қаратилди.

Ҳозир юртимизда 9772 та умумий ўрта таълим, 305 та мусиқа ва санъат, 425 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолият олиб бормоқда. 1997 йили бошланган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва 2004 йилда унинг таркибий қисми сифатида қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури ижтимоий ҳаётимизда туб бурилиш ясади. Бу дастурларда юртимизда минг-минглаб лицей ва коллежлар, мактаблар қуриш ва уларни реконструкция қилиш, энг юксак талаблар асосида жиҳозлашдек кенг кўламли ишлар кўзда тутилган эди. Ўтган қисқа фурсат ичида, мамнуният билан таъкидлаш керакки, ушбу ҳужжатда белгиланган вазифалар қатъият билан бажарилиб, нафақат шаҳарларимиз, балки олис қишлоқ ва овулларимизда ҳам муҳташам таълим даргоҳлари барпо этилди. 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида республика бўйича 8501 та мактабда қурилиш ишлари амалга оширилган. Халқ таълими тизимида узоқни кўзлаб олиб борилган мақсадли ислоҳотлар натижаси ўлароқ, узлуксиз таълим жараёни амал қилмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 20 та фан йўналишида 4000 ўз фанини чуқур билган, юқори малакали ўқитувчи танланиб, уларга уч нафардан ўқувчи бириктирилди. Улар тўғрисида ягона маълумотлар базаси шакллантирилди. Шу тариқа "Устоз-шогирд мактаби" амалиёти жорий этилди.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ юртимизда ўқитувчи-мураббийлар меҳнатини эъзозлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Президентимиз ташаббуси билан 1 октябрь умумхалқ байрами — Ўқитувчи ва мураббийлар куни деб эълон қилиниши бундай ҳурмат-эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. Шунингдек, ҳар янги ўқув йили бошида мактабга илк қадам қўйган барча биринчи синф ўқувчиларига Президент совғаси — ўқув қуроллари ва дарсликлар тақдим этилади. Ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларда улғаяётган фарзандларга аниқ манзилли моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади.

Жорий ўқув йилида республикамиз мактабларида 4 миллион 895 минг 600 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Шулардан 598 минг 100 нафари бу йил 9-синфни битиради. Бу йилги битирувчилар орасидан 44 нафар ўғил-қиз спорт йўналиши бўйича бир қатор ютуқларга эришган бўлса, 5 нафар ўқувчи мусиқа йўналиши бўйича халқаро танловларда қатнашиб, юртимиз довруғини дунёга таратиб қайтишди.

Биз катта ишонч билан айта оламизки, бугунгача Ватан шарафини юксакларга кўтарган бундай ёшлар келгусида ҳам юртимиз равнақига ўзларнинг муносиб ҳиссасини қўшадиган етук кадрлар бўлиб етишади.

Бунёд АБДУЛЛАЕВ

Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.

ЭЪТИРОФ

Бош хиёбон — азиз гўша



Ишдан толиқиб уйга қайтаётганимда, шаҳар узра оқшом чўкаётган эди.

Тошкент давлат юридик институтининг ёнидан юриб, Амир Темур хиёбонига ўтмоқчи бўлдим. Дарвоқе, яқинда бу ерда хиёбонга ер ости йўлаги қурилди. Илгари пиёдалар боғга автомобиль йўлини кесиб ўтарди. Боғнинг Матбуотчилар кўчасига ўтиладиган тарафи панжаралар билан тўсилгани учун энди бироз айланишга тўғри келади.

— Бу айланиш ишдан чарчаб чиққан кишига ортиқча даҳмаза бўлди-да,— деди мен билан бирга ер ости йўлаги томон бораётган ҳамроҳларимдан бири.

Унинг ишхонаси бизники билан ёнма-ён. Ишга бориш-келишда, йўл-растада дуч келадиган бу танишим кўринишидан хорғин. Менинг кайфиятим эса илиқ баҳор ҳавосидан ҳузур олаётган эди.

— Сиз-чи, опажон, бу айланма йўлни биздек йўловчилар учун даҳмаза деб эмас, аксинча, шундай гўзал баҳор оқшомида теварак-атрофдан янада баҳра олишимиз учун берилган имконият деб ҳис қилсангиз, ҳаммаси бошқача туюлади. Унга яхшилик, гўзаллик, меъёрийлик кўриниши деб қараб кўринг!

Гапларимга ҳамроҳимнинг энсаси қотгандай туюлди:

— Шошадиган ерингиз йўқдир-да?

— Менга қаранг, опа! Аслида ҳам бу яхшилик эмасми? Тасаввур қилинг-а, бу йўллар кенгайиб, ер ости йўлаклари қурилганидан кейин йўловчилар ўтиб-қайтишда хавотирдан узоқ бўлдилар. Хиёбон атрофидаги айланма йўл таъмирланиб, янада обод бўлди. Бу ердаги кенгликдан дил яйрайди. Қаранг, бир-биримизга хуш кайфият улашишимиз учун бу ернинг табиати қандай сўлим ва дилбар қилиб қўйилибди.

Биз Амир Темур хиёбони бўйлаб юрарканмиз, яқиндагина таъмирланиб, янгича қиёфа касб этган бу маскан оқшом арафасида ниҳоятда гўзал кўринарди. Яқинда ўтказилган навниҳол арчалар, турли шаклларда экилган ранг-баранг гуллар, равон йўлаклар, уларнинг четларига ўрнатилган ўриндиқлар! Хиёбон узра тўшалган яшил майса гиламларни айтмайсизми! Улар шундай нафис ва майинки, пуф-пуфлаб гардлардан тозалагинг келади.

6 »

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг

"ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2009"

танлови давом этмоқда

Ўзбекистонда демократик тараққиёт ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мамлакатни янгилаш, иқтисодиётни модернизация қилиш, амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида катта ютуқларга эришилди. Ўтган йили қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигига йўналтирилган Давлат дастури асосида қишлоқларимизни обод этиш, аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш, яшаш шароитини шаҳар даражасига яқинлаштириш бўйича салмоқли ва хайрли ишлар қилинди.

Бу йил фарзандларимизнинг жисмонан ва маънан соғлом, давр талабига мос интеллектуал билим ва ихтисосга эга бўлган замонавий инсонлар бўлиб вояга етишларини таъминлашга қаратилган эзгу мақсад йўлида улкан ҳаракат бошланди.

Халқимизнинг эришаётган бу ютуқлари, олижаноб мақсад ва саъй-ҳаракатларини кенг ёритишда оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган сиз, журналистларнинг хизматларингиз катта.

Азиз ҳамкасблар, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни "Йилнинг энг фаол журналисти" анъанавий танловида қатнашишга таклиф этади. Танловга 2009 йилнинг 1 июнидан 2010 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга тақдим этилади. Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

"Йилнинг энг фаол журналисти — 2009" танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар "Йилнинг энг фаол журналисти — 2009" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар

Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.

www.Journalist.uz

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИДАГИ РАИСЛИГИ:

ВАЗИФА ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Ўтган асрнинг сўнгги ўн йилида дунё сиёсий харитасида кескин ўзгаришлар рўй берди. Кўплаб янги мустақил давлатлар пайдо бўлиши билан бирга, турли геосиёсий манфаатлар бўй кўрсатиб, наркотрафик, террорчилик ва бошқа таҳдидлар кучайди. Бу эса, айниқса, бир минтақада жойлашган давлатларни ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга, тинчлик ва барқарорликни таъминлашда ҳамжиҳат бўлишга ундади. Бугунги кунда дунёдаги йирик тузилмалардан бирига айланган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ташкил топиши ҳам ана шу омиллар билан боғлиқ.

Марказий Осиё муаммоларини Ўзбекистоннинг иштирокисиз ҳал қилиб бўлмаслигини таъкидлаган Россия ва Хитой таклифи билан Ўзбекистон 2001 йил Шанхайда бўлиб ўтган "Бешлик саммити"да ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Бу Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида стратегик манфаатларини такомиллаштира бориб, минтақамизда барқарорликни мустаҳкамлаш соҳасида халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан фаол ҳамкорликка тайёр эканини намоён қилди.

Таҳлилчилар тўғри таъкидлаганларидек, Ўзбекистон ташкилотга қўшилмади, балки ташкилотнинг муассиси ва тенг ҳуқуқли қатнашчисига айланди. Ўзбекистоннинг ШҲТдаги иштироки мазкур ташкилотни мустаҳкамлаш билан бирга, минтақавий муаммолар ечимининг тугал ва самарали бўлишини таъминлади.

Евроосиё ҳудудининг 61 фоизини, дунё аҳолисининг тўртдан бир қисмини ташкил қилган мамлакатлар иштирокидаги янги ташкилот қабул қилган биринчи ҳужжат "Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тузиш тўғрисидаги Декларация", "Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисида"ги Конвенция бўлди. Орадан 1 йил ўтиб, Санкт-Петербургда бўлиб ўтган саммитда ташкилотнинг тузилмаларини шакллантириш бошланди. 2003 йилда эса ШҲТ Котибияти (қароргоҳи Пекинда) ва Минтақавий Аксилтеррор тузилмаси (қароргоҳи Тошкентда) ташкил этилди. 2004 йил 1 январидан бошлаб амалий механизми, маъмурияти ва бюджетига асос солинган ШҲТ тўлақонли халқаро ташкилот сифатида тан олинди.

Бугунги кунда жаҳонда нуфузи ортиб бораётган ШҲТга 6 та давлат – Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Хитой аъзо. Ҳиндистон, Эрон, Мўғулистон ва Покистон кузатувчи мақомига эга. Белорусь ва Шри-Ланкага мулоқот бўйича ҳамкор мақоми берилган. ШҲТ саммитларида МДҲ, АСЕАН ва Афғонистон раҳбарларининг таклиф этилиши ташкилотнинг истиқболидан дарак беради.

Шуни таъкидлаш керакки, ШҲТ ҳарбий ташкилот эмас. Бу ташкилот асосан, аъзо давлатларнинг хавфсизлигини таъминлашга масъулдир. Қароргоҳи Тошкентда жойлашган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ҳозиргача яхшигина натижаларни қўлга киритди.

ШҲТ доирасида маданий ва гуманитар соҳаларда алоқалар ривожланиб бормоқда. 2002 йилда Пекинда маданият вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди. Аъзо мамлакатларда маданият кунларини ўтказиш борасидаги таклифлар қўллаб-қувватланди. Ўтган давр ичида бир неча тадбирлар ўтказилди. Мамлакатлар ўртасида талабалар ва ўқитувчи-профессорлар алмашувлари йўлга қўйилган. Санъат соҳасидаги ҳамкорлик ҳам ривожланиб бормоқда. 2005 йилдан бери ҳар йили "Болалар эртакларни чизади" мавзусида расмлар кўргазмаси ўтказилмоқда.

Ўтган йилнинг июнь ойида Екатеринбургда бўлиб ўтган саммитда ШҲТ раислиги Ўзбекистонга ўтди. Халқаро кузатувчилар Ўзбекистон ШҲТнинг барча аъзо давлатларида изчил ва барқарор иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминлаш, аҳоли бандлиги масалаларини ҳал қилиш ва турмуш даражасини юксалтиришга кўмак берадиган ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида мазкур ташкилот кузатувчи мамлакатларнинг ресурслари ҳамда бозорларидан янада фаолроқ фойдаланиш, уларни жалб қилишни ёқлаб чиқаётганини таъкидлашмоқда. Бу борада Мисрнинг "Asiya al-Vista" агентлиги электрон нашрида босилган "Ўзбекистон – ШҲТ доирасида фаол шерик" сарлавҳали мақолада батафсил маълумот берилади. Мақола муаллифи Ўзбекистоннинг ШҲТ доирасида иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришдаги фаол иштирокини қайд этади.

Шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда мамлакатимизда ШҲТ давлатлари сармоядорлари иштирокида 1273 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 246 таси 100 фоиз хориж капитали асосида ташкил этилган. Шу билан бирга, ШҲТга аъзо давлатлар ҳудудида Ўзбекистон тадбиркорлари иштирокида барпо этилган 519 та корхона ишлаб турибди.

Мақолада Ўзбекистоннинг 2009 йил июнь ойидан бошлаб ШҲТга раислик қилаётгани алоҳида таъкидланади. Яқинда Россия ФАнинг Шарқшунослик институтида бўлиб ўтган Ўзбекистоннинг ШҲТга раислигига бағишланган давра суҳбатида институт директори, тарих фанлари доктори В.Наумкин Ўзбекистоннинг ШҲТда раислик қилиши ушбу ташкилот ривожланишига ижобий туртки бўлиб хизмат қилишига, ташкилотни институтлаштириш йўлидаги ташаббусларни амалга оширишга қаратилганини қайд этиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистоннинг раислиги даврида ташкилотнинг халқаро алоқалари, унинг ҳуқуқий ва меъёрий асослари мустаҳкамланишига эътибор қаратилди. Сўзга чиққанлар Ўзбекистон ўзининг ШҲТдаги раислигига аниқ ва мувозанатлашган ёндашув билан қараётганини таъкидлашди.

Шунингдек, яқинда Франциянинг адади 90 минг бўлган "L Essentel des Relafins Internationales" журналида "Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги" деб номланган таҳлилий мақола эълон қилиниб, унда мамлакатимиз мазкур ташкилотнинг нуфузини кўтариш мақсадида фаол ҳаракат қилаётгани таъкидланди.

Шу йилнинг 5 апрель куни БМТ бош котиби Пан Ги Муннинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида БМТ ва ШҲТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди. Пан Ги Муннинг таъкидлашича, "Бош Ассамблеянинг "БМТ ва ШҲТ ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида"ги резолюциясига асосан БМТ ва ШҲТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларация имзоланди. Бу ҳужжатнинг имзоланиши умумий манфаатни ифода этадиган соҳалар, жумладан, низоларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш, терроризмга қарши курашиш, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш, атроф-муҳит емирилиши муаммоларини ҳал этиш каби кўплаб соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

— Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида бўлажак саммитга тайёргарлик ишлари сарҳисоб қилинди ҳамда саммитда кўриб чиқиладиган ҳужжатлар белгилаб олинди. Мазкур ҳужжатларнинг имзоланиши ШҲТни янада ривожлантириш ва нуфузини оширишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади, — деди Президент Ислом Каримов 22 май куни Оқсаройда ШҲТга аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгаши мажлисининг иштирокчиларини қабул қилган учрашувда.

Ўз навбатида меҳмонлар қайд этганидек, Ўзбекистоннинг ШҲТни ривожлантириш стратегиясини белгилашдаги, шу билан бирга, ҳозирги замон халқаро сиёсатига оид кўплаб масалалар бўйича фаол позицияси юксак самаралар бермоқда. Мамлакатимизнинг бундай нуфузли халқаро ташкилотга раис сифатидаги фаолияти натижасида БМТ Бош ассамблеяси бир овоздан БМТ билан ШҲТ ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Резолюцияни қабул қилди, шунингдек, ушбу ташкилотлар котибиятларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланди.

ШҲТнинг ўз олдига қўйган вазифалари барқарор тараққиёт ва фаровон истиқбол учун ҳамкорликда фаолият юритишдан иборатдир.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ

■ ШАРҲ

"ОЛТИН ОЛМА"ДА СЕМИНАР

Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги "Олтин олма" мажмуасининг анжуманлар залида Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан "Оммавий ахборот воситаларида партия фаолияти ва ғояларини ёритишнинг долзарб вазифалари" мавзуида ўқув-семинар ўтказилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракцияси ва Марказий Кенгаши аъзолари, партия фаоллари, соҳа мутахассислари, сиёсий шарҳловчилар, партия нашри — "Миллий тикланиш" газетаси таҳририяти ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Семинарда сўз олган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Шуҳрат Деққонов ва Олимжон Ўсаров, ЎзМТРК сиёсий шарҳловчилари Қобилбек Каримбеков, Шарофиддин Тўлаганов ва Мадамин Сафаровлар "Парламент ва партия фракцияси фаолияти ОАВ нигоҳида", "ОАВ эркинлаштириш ва демократлаштиришнинг ҳуқуқий асослари", "Парламент журналисти ва сиёсий шарҳловчилик маҳорати" каби қатор мавзуларда ҳамда партия фаолиятини танқидий баҳолаш орқали мавжуд камчиликларни аниқлаш, уларнинг ечимини топишда замонавий ва умумэътироф этилган усуллардан кенг фойдаланиш, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқаларнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш масалалари хусусида атрофлича фикр юритдилар.

Семинар қизғин савол-жавоб, баҳс-мунозара, таклиф-мулоҳазаларга бой руҳда ўтди.

Иномжон АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

БЎШ ВАҚТ ЎТАР МАЗМУНЛИ

Бундан бир неча йил олдин Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошида локал радиотармоқ ташкил этилган эди. Ҳар куни соат 11:20 дан 12:00 гача институт жамоаси эътиборига ҳавола этиладиган турли эълонлар ва ўқув даргоҳи ҳаётига оид янгиликларнинг қуй-қўшиқ ва тароналарга уланиб кетиши барчанинг кайфиятига кўтаринкилик бағишлаяпти. Шунингдек, талабалар ўз дўстларини, дугоналарини байрам ёки туғилган кунлари билан муборакбод этишларида радиотармоқнинг хизмати катта.

Бундан ташқари, институтда нишонланадиган турли маданий-маърифий тадбирларнинг юқори савияда ташкил этилишида мазкур илм маскани — маданият саройининг алоҳида ўрни бор. Хусусан, институт маданият саройи қошида иш олиб бораётган миллий рақс, вокал ва миллий чолғу асбоблари тўгаракларига қатнашувчи талабаларнинг яқинда бўлиб ўтган йиллик ҳисобот концерти бу ерга йиғилган устоз ва талабаларда яхши таассурот қолдирди.

Маданият саройида юқорида санаб ўтилганлардан ташқари спорт, тикиш-бичиш, бухгалтерия ҳисоб-китобига қизиқувчилар учун ҳам тўгараклар ишлаб турибди. Шунингдек, илм масканининг «Қувноқлар ва зукколар» гуруҳи ҳам мазкур саройда тайёргарлик кўради. Келгусида тўгараклар сонини янада кўпайтириш режалаштирилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад — талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишларини ташкил этишдан иборат.

Алишер ТИЛЛАЕВ,
Тошкент ирригация ва мелиорация институти касаба уюшма қўмитаси раиси

БОН-ОДОРИ — БИРОДАРЛИК ТАРАННУМИ

Яқинда Тошкент шаҳридаги 110-ўрта мактабда Ўзбек — Япон маркази ташкил этилганининг ўн йиллиги олдидан Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, ўзбек—япон маркази ҳамда Япониянинг халқаро ЛСА ҳамкорлик агентлиги томонидан анъанавий "Бон-одори" япон рақслари фестивали ўтказилди.

— Бон-одори япон миллий рақси бўлиб, унинг жуда кўплаб турлари мавжуд, — дейди Бон-одори жаҳон ассоциацияси вакили Шигетада Клюми. — Дороймон, Ава-одори, Танкобуши, Рингон кабилар шулар жумласидан. Қадимқадимдан японлар август ойида шу рақсни ижро қилишган. Чунки улар вафот этган қариндошларининг руҳлари 13-15 август кунлари ўз уйларига қайтишига қаттиқ ишонишган. Ҳозирда бу рақслар замонавийлик касб этиб, биродарлик, одамлар ўртасидаги уйғунликни тарғиб қилиш учун ижро этилади.

Фестивалда Япониянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Цутому Хираока иштирок этди.

Ислом СУЛТОНОВ

НАФОСАТ МАЛИКАЛАРИ

Ёшлик талабалар шаҳарчаси маънавият ва маърифат марказида шаҳарча ҳудудида жойлашган касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган ўқувчи қизлар ўртасида "Нафосат маликалари" кўрик-танлови ўтказилди.

Шаҳарча ҳудудида жойлашган Тошкент тиббиёт коллежи, Тошкент маданият коллежи, хизмат кўрсатиш ва сервис коллежи қизлари қўшиқ айтиш, рақс тушиш, таом пиширириш ва бошқа бир неча қизиқарли шартлар бўйича беллашди. Танлов иштирокчиларининг чиқишлари ҳамда Тошкент маданият коллежи ва Глиэр номидаги ихтисослашган мусиқа академик лицейи ёш санъаткорларининг чиройли ва мазмунли чиқишлари томошабинлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ

■ АДЛИЯ ИДОРАЛАРИДА

Фуқаролар ҳуқуқи ва эркинлиги ҳимояда

Бугун суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларда асосий эътибор инсон шаъни ва қадр-қимматини кўтаришга, унинг қонуний ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилаётгани эътиборга моликдир.

Қашқадарё вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан тараққиётимизнинг асосий тамойилларидан бири — қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга малакали ҳуқуқий ёрдам беришда амалга оширилаётган аниқ тадбирлар ўз ижобий самарасини бермоқда. Фикримизни фуқароларнинг вилоят адлия бошқармасига қилган мурожаатлари мисолида изоҳлайлик.

Ўтган йил мобайнида бошқармага жами 334 та ариза ва шикоят тушган бўлиб, шундан 197 таси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан, 137 таси бевосита фуқаролардан келган эди.

Бошқарма ходимлари томонидан фуқаролардан тушган аризаларнинг 243 таси ўрганилиб, шундан 156 таси бўйича ариза муаллифлари яшайдиган манзилларга бориб ҳал этишга тўғри келди. Шунингдек, фуқаролик, жиноий ва хўжалик судлари ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва ҳукмларидан норози фуқаролардан тушган 91 та ариза вилоят ички ишлар бошқармаси, вилоят прокуратураси ҳамда шу идоралар ходимларига нисбатан ёзилгани инобатга олиниб, улар номлари қайд этилган идораларга жўнатилди.

Бошқармада фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий соҳага оид 71 та, кредит олиш муоммаларига доир 3 та, уй-жой қуриш, ер майдони ажратиш масаласи бўйича 9 та, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича чиқарилган суд қарорлари ижро қилинмаётганига доир 21 та, фуқаролик ишлари бўйича чиқарилган суд қарорларидан норози бўлганлардан 15 та, ички ишлар ходимларининг хатти-ҳаракатларидан норозиликлар бўйича 9 та, банк ходимлари устидан 8 та, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳаракатларидан норозилигига қаратилган 45 та, бошқа шахсий ҳуқуқларга тегишли 197 та аризалар қайд этилган.

Маълум бўлишича, фуқароларнинг мактублари орасида суд-ҳуқуқ ҳамда давлат бошқаруви органлари ходимларининг хатти-ҳаракатидан норози бўлиб ёзилган хатлар ҳам бор. Бундан кўринадики, ҳуқуқ-тартибот вакилларининг айримлари ўз фаолиятларида қонун меъёрларига тўла амал қилмаяпти.

Ўрганилган 197 та ариза қаноатлантириб, 46 та ариза юзасидан муаллифларга ҳуқуқий тушунчалар берилди, 8 та ариза бўйича тақдимнома, 32 та ариза буйича 40.220.031 сўмлик даъво аризалари, 2 нафар фуқаронинг манфаати юзасидан жиноий иш қўзғатиш бўйича таклифлар киритилган. Вилоят Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими бошқармалари, ИИБ ЙҲХБ, Кириш-чиқиш ва фуқароликни белгилаш бўлими, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари бошқармаларида, кўникма марказларида фуқаролардан келиб тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунининг ижроси, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги "Иш ҳақларининг ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунларга риоя қилиниши ҳамда юридик хизмат фаолияти ўрганилиб, натижалари бўйича юқорида номлари қайд этилган муассасаларга тақдимномалар юборилди.

Бундан ташқари, бошқарма томонидан Қашқадарё вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида фуқаролардан тушган ариза, шикоят ва таклифларни ўрганиш, текшириш ва муаллифларга ўз вақтида жавоб бериш, яъни Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги "Ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва бошқа инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ва қонуности ҳужжатларига риоя этилиши ўрганилди. Вилоят ҳокимлигига текшириш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ёзма ахборот киритилди. Жумладан, Ғузор туман тиббиёт бирлашмасида Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатларини ўрганиш жараёнида бирлашма ходимлари А.Бердиев, С.Тожиевлар фуқаролардан тушган аризаларга ҳеч бир сабабсиз жавоб бермай, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 43-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этгани аниқланди. Уларга нисбатан тузилган маъмурий баённома ва ҳужжатлар жиноят ишлари бўйича Ғузор туман судига ўтказилган, ҳуқуқбузарларнинг ҳар бири энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдорида маъмурий жаримага тортилган.

Шунингдек, Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан ҳамкорликда вилоятнинг кўплаб туманлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, умумий таълим мактаблари, лицей ва коллежларда, корхоналарда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адлия ва ички ишлар идораларининг роли, инсон ҳуқуқларининг бузилишига сабаб бўлган ариза ва шикоятлар юзасидан маъмурий органлар ҳамда адлия идораларининг ҳамкорлиги, такрорий аризаларни келтириб чиқараётган омиллар, уларни бартараф этиш чоралари тўғрисида маърузалар, давра суҳбатлари, шунингдек, семинарлар ташкил этмоқда.

Жойларда фуқаролар билан қилган мулоқотларимиз уларнинг ҳуқуқий саводхонлигининг ошишига, манфаатлари ҳимояланишига хизмат қиляпти.

Хусан ХЎЖАМКУЛОВ,
Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

■ ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ

Бировнинг ҳақи

Бировнинг ҳақини ейиш ҳаром нарса ейиш билан баробар. Бу ҳақда кўп бора эшитса ҳам ҳаётда ҳаромдан ҳазар қилмайдиган кимсаларнинг учраб туриши афсусланарли ҳолдир. Пойтахтимизнинг Учтепа туманида номаълум шахс куппакундузи нафақахўр, 1952 йилда туғилган Шоҳида Нурматованинг қўлидан ичида 1 миллион 700 минг сўм пули бўлган сумкасини тортиб олиб кетди.

Кўрилган тезкор чоралар натижасида ушбу жиноятни 26 ёшли К.Азиз содир этгани маълум бўлди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Рўйхатдан ўтказилмаган қурол

Бухоро вилоятининг Ромитан туманида ўтказилган тезкор тадбирларда ноқонуний қурол сақлаш билан боғлиқ ҳолат фош этилди. Туманнинг Ғазберон қишлоғида яшовчи, 1960 йилда туғилган Худоёр Халлоқовнинг уйи текширилганда у ердан ИИБда рўйхатдан ўтказилмаган "ИЖ" русумли 16 калибрли ов милтиғи топиб олинди.

Энди қурол эгаси қонун олдида қилмишига яраша жавоб беради.

Бепарволик оқибати

Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманида номаълум шахс фуқаро Бекзод Ҳамроев томонидан қаровсиз қолдирилган давлат рақами 85 М 467 бўлган "ВАЗ-2107" автомашинасини ҳайдаб қочди. Тезкор тадбирлар натижасида мазкур жиноят "иссиғи"да очилди. Уни 20 ёшли Ш.Равшан содир этгани аниқланди. Автомашина Мирзо Улуғбек тумани Ҳ.Абдуллаев кўчасидан техник соз ҳолда топилиб, эгасига қайтарилди.

Мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 267-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилди. Тергов олиб борилмоқда.

Норали ОЧИЛОВ,
ИИВ матбуот маркази бош инспектори,
милиция лейтенанти

ЖАРАЁН

ҚИЁС

БИРИ ТОМОРҚАСИНИ ГУЛЛАТИБ ҚЎЙИБДИ, БИРИ...

Эътибор беринг: бир кўчадаги ўнта хонадонда томорқа учун ажратилган ер миқдори, шароити, имконияти бир хил бўлса-да, ундан фойдаланиш даражаси ва оила бюджетига келадиган даромад турлича. Савол туғилади: бунинг сабаби нимада? Нега энди бир қўшни томорқани гуллатиб, унинг ортидан рўзғор тебратаётган, бир неча юз минглаб сўм фойда олиш эвазига, сўнгги русумдаги машина минаётган ёки замонавий уй қуриб, чиройли тўйлар қилаётган бир пайтда қўшниси бунинг уддасидан чиқа олмаяпти?

— Жавоби оддий: астойдил тер тўкиб ишламайди, — дейди косонлик тажрибали деҳқон Ўрин бобо Омонов. — Шунинг учун ҳам оёғи остидаги нақд даромадни кўрмайди-да, насибасини бошқа жойлардан қидириб, кўп овора бўлади. Ерни бекор қолдириш, унинг умрини завол қилиш увол. Шундоқ кўл етмаслик хазина-ку у. Хазинани қўлга киритиш ҳар кимнинг меҳнатига, интилишига ва омилкорлигига боғлиқ. Кўп қатори 20 сотих томорқамиз бор. Анча йилдан буён плёнка остида помидор етиштирамиз. Ўтган йилнинг октябрь ойида эккан 10 минг тупдан ортиқ помидор ниҳоллари март ойининг бошларидан ҳосил бера бошлади.

Ўрин бобонинг ҳисобкитоби бўйича бир туп ниҳолдан камида 5 минг сўм даромад олинади. 10 минг туп ниҳолнинг ҳар бири ўртача 3 килограммдан ҳосил берганда ҳам бу оила истеъмолчиларга 30 тонна сархил сабзавот етказиб беради. Бу 20 сотих томорқадан камида 30 миллион сўм соф фойда деганидир. Орамизда бундай омилкор инсонлар кам эмас. Хўш, улар бунга қандай эришмоқдалар? Сабаби, ер билан тиллашаётганлар томорқага баъзи инсонлар сингари кўр-кўрона ёндашишмайди ёки унга шунчаки эрмак учун қарашмайди. Аксинча, худди катта бизнесда ишга қўл уради.

Деҳқонлар орасида "Сифатли уруғ — ҳосилнинг онаси", — деган гап юради. Аммо бунга ҳамма ҳам амал қилаяптими? Йўқ. Юз граммига юз минглаб маблағ сарфлаб уруғ харид қилгандан кўра ўзимиз етиштирган ёхуд қариндош-уруғ, қўшнилардан чиқадиган жайдари уруғни экиб қўя қолишни афзал кўрадилар. (Томорқадан катта фойда ололмасликнинг сабабларидан бири ҳам аслида шунда)

— Натижа ҳам шунга яраша бўлади, — дейди Қарши шаҳридаги Чармгар маҳалласида яшовчи



бўлгани каби аниқ ҳисобкитоб, ўзига хос бизнес-режага асосланган ҳолда иш кўришади. Яъни муддатларга риоя қилиб, сифатли уруғдан фойдаланишади, агротехника юмушларини ўз вақтида бажаришади ва етиштирилган маҳсулотни яхшигина нархда сотишни ташкил этишади. Масалан, Ўрин бобо айни пишиқчилик пайтида 30 тонна помидор етиштирса, олинадиган фойда 10-12 баравар кам бўлишини яхши билади. Шунинг учун ҳам муддатни тўғри белгилаб, харажати ва меҳнатидан қочмай шу ўқитувчи, айни пайтда томорқадан ҳам унумли фойдаланиб келаётган Собир Раҳматов. — Биргина мисол: бу йил 3,5 сотих ердаги иссиқхонамизда иқлимимизга мос ва ҳосилдорлиги анча юқори бўлган "Рашида" навли 1000 туп бодринг ниҳолини парваришлаб, февраль-март ойларида 3 тоннадан ортиқ ҳосил олдик. Агар уруғи сифатсиз ва нави паст бўлганида ҳосилимиз энг кўпи билан 1 тоннага етарди ёки шунга ҳам бормасди. Шунинг учун ҳам қиммат бўлса-да, фақат сифатли уруғ сотиб оламиз. Масалан, ўтган йили кузда уруғ учун 250 минг сўм сарфлагандим.

Қаранг, тадбиркор ҳар сотих ердан салкам 1 тонна ҳосил етиштираяпти. Чунки деҳқон уруғнинг сифати, нави ва унинг ҳудуд иқлимига мослашувчанлигига жиддий эътибор қаратди. Экиш муддати ва усуллари, озиқлантириш, суғориш, ишлов бериш, касалликларга қарши курашиш каби агротехник тадбирларни белгиланган тартибда амалга оширди.

Шу ўринда савол туғилиши табиий: томорқадан фақат иссиқхона қуриш орқалигина юқори даромад олиш мумкинми? Йўқ. Бу ерда гап томорқанинг бебаҳо бойлик эканида, ундан қанчалар унумли ва ўринли фойдаланилса, шунча катта даромад олиниши хусусида бораяпти. Аслида томорқада қунт ва ҳафсала билан кетмон чопган ҳар бир инсоннинг ҳамма вақт дастурхони тўкин, рўзғори обод бўлади. Масалан, Китоб туманидаги Гулгунпушт қишлоғи одамлари ҳар йили томорқадан икки марта ҳосил олишади.

— Ўтган йили 6 сотих ерда 6 тоннага яқин карам етиштирдик, — дейди шу қишлоқлик тажрибали деҳқон Шукурулло Қаюмов. — Картошкадан келган фойдани ҳам қўшганимизда оила бюджетига нақд 2,5 миллион сўм қўшимча маблағ тушди. Қишлоғимизда машина минган ҳам, уй қурган ҳам, тўй қилган ҳам томорқанинг орқасидан қилаяпти-да.

Демак, ишлаган бой бўлаяпти. Аммо қишлоқда яшаб, 20-30 сотих ери бўла туриб, бир боғ кўк пиёзни ҳам бозордан харид қилаётган кишиларни ким дейиш мумкин? Ахир пайкалдан янги узилган сабзавотни истеъмол қилиш ҳар томонлама наф келтириши аёнку. Қолаверса, биринчидан, хонадонда витаминларга бой маҳсулотлар бўлади, иккинчидан, оила бюджетининг бу неъматларни харид қилишга кетадиган маблағи тежалишига эришилади.

Ҳаммамиз яхши биламиз: 1991 йилда Президентимиз томонидан қабул қилинган дастлабки фармонлардан бири фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган эди. Зеро, давлатимиз раҳбари томорқа ердамида бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ижобий ҳал қилиш мумкинлигини ўйлаб, аҳолининг бу борадаги саъй-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида мазкур самарали тизимга асос солган эди. Бунинг натижаси ўлароқ бугун томорқа ички истеъмол бозорини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан барқарор таъминлашдан ташқари қишлоқ аҳолисининг асосий даромад манбаи сифатида ҳам эътиборлидир.

— Ҳозир вилоятимизда 37,1 минг гектар (деҳқон хўжаликларидан ташқари) 362,5 минг хонадон ихтиёрида, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бош мутахассиси Жамшид Темиров. — Жорий йилда жами 61995 (шундан 4506 гектари дала четлари ва уватларида) гектар майдонга экин экиб, мева-сабзавот, полиз, узум ва картошка маҳсулотлари етиштиришни 30 фоизга кўпайтириш ҳамда ялпи ҳосилни 884 330 тоннага етказиш мўлжалланмоқда. Албатта, бунга эришишда томорқачиларнинг ҳам ҳиссаси катта. Ана шу ҳосилнинг 320890 тоннаси аҳолининг шахсий ва дала томорқаларида етиштирилади. Энг муҳими, маҳсулотни турли ташкилотларга етказиб бериш бўйича шартномалар тузилди.

Шу кунларда аҳолининг томорқадан самарали ва мақсадли фойдаланишини янада ошириш мақсадида доимий жамоатчилик назорати ўрнатилиб, 105 та махсус дўкон орқали аҳолига уруғлик, кўчат ва минерал ўғитлар етказиб берилаяпти.

Дарҳақиқат, ҳукуматимиз томонидан яратилаётган катта имкониятдан унумли фойдалансак, воҳамизга кўпгина эртаги сабзавот ва меваларнинг бир қисмини қўшни вилоятлардан келтиришга ҳожат қолмасди. Қашқадарёдек серқуёш ва серҳосил замин уларни нафақат ўзимиз ва республикамизга етказиб бериш, балки катта миқдордаги қисмини экспорт қилиш салоҳиятига эга. Қўл етгулик хазина — томорқа эса деярли ҳаммамизда бор. Ана шу хазинани эплаб қўлга киритиш ўзимиздаги истак ва хоҳишда, интилиш ва ҳаракатда.

Назарали ТИЛЛАЕВ
Қашқадарё вилояти

Таҳририятга хатлар

ОРОЛ — БИЗНИНГ АЙБИМИЗ ВА ДАРДИМИЗ

Орол денгизи кимларгадир олисдаги бепоён саҳро ўртасидаги қақраган ва шўрлаган сув ҳавзаси, харитадаги кўк доғдек кўринар балки. Қорақалпоғистон халқи учун эса бу денгиз ҳаёт манбаи, десак, муболаға эмас. Марказий Осиёнинг бошқа халқлари тарихи ва бугуни билан узвий боғлиқ бу денгиз.

Кейинги 20-30 йил ичида денгиз сатҳининг баландлиги 18 метрга пасайди, ҳажми эса ярмидан ҳам кам қолди. Бир авлод кўз ўнгида ер юзидаги энг йирик экологик фалокатлардан бири юзага келди. Бутун минтақа мураккаб экологик вазият гирдобида қолди. Табиат ва одамлар уч томондан зарбага учрамоқда: иқлими қуруқ ва континентлашиб, ернинг ҳосилдорлиги пасайиб, шўрланмоқда, ичимлик сувининг сифати кескин ёмонлашмоқда. Денгизнинг аввалги қудрати қумга кўмилди. Бу эса минтақа табиатига жиддий зарар етказмоқда.

Ҳайвонот ва наботот оламидаги мавжудотлар сони ва турлари ҳам кескин қисқариб кетмоқда. Энг ноёб саналган Турон йўлбарслари йўқ бўлиб кетди. Оққушлар, қизил ғозлар ва қарқаралар йўқолиб кетмоқда. Орол суви тарк этган ҳудудларда ҳосил бўлган тузлар ҳудуд аҳолиси орасида бўғим ва умуртқа поғоналари касалликларини келтириб чиқармоқда.

Бу фожиа нафақат минтақа давлатларини, балки бутун инсониятни мазкур муаммонинг ечимларини топишга чорлаб қолади. Ишонамизки, ҳали Оролни қутқарса бўлади ва Оролбўйи халқлари она заминларида осойишта ҳаёт кечиришади.

Ширин ХОЛМАТОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

НИЯТНИНГ ЯХШИСИ — ГАВҲАР

Дўстим Лочинбек билан унинг ногирон бўлиб қолган таниши Зиёд аканикига бордик. У киши катта сўри — ток остига қўйилган чорпоя ёнидаги ногиронлар аравачасида ўтирарди.

— Лочинбек, — деди у дўстимга салом-аликдан сўнг синиққан овозда. — Аллоҳнинг иродаси экан, томга чиқиш сабаб бўлди-ю, оёқдан ажралдик. Аслида ногиронликни ўзимиз тилаб олдик. У шундай деб менга синовчан тикилди.

— Дўстингиз танишдек туюлаяпти, биз қаердадир учрашгандаймиз.

Мен ҳам эсладим... Айни баҳор эди. Тошкент — Андижон йўлидамиз. Таксидаги ҳамроҳлар очиқ кўнгил, қувноқ одамлар экан. Машина ўрнидан жилмаёқ, суҳбатимиз қовушиб қолди. Аския, латифа, хуллас, ҳамма мавзуларга кириб чиқдик. Мавзу келиб, замонга тақалди. Шундан кейин олдинги ўриндиқда ўтирган ва ўзини Зиёд ака дея таништирган ҳамроҳимиз шундай деб қолди:

— Ҳозир эпчил, уддабурон бўлмасангиз оч қоласиз. Ҳа, тўғри келган жойдан "кесадиган" бўлиш керак. Мана мен, йўлини қилиб, эллик ёшданоқ нафақага чиқдим. Хотинни ҳам группага ўтказдим. Энди ўзимни ҳам ногиронлик группасига тўғрилайман, деб ҳужжат тайёрлаяпман.

Ҳамроҳимизнинг шу гапидан сўнг ҳаммамиз бирданига жим бўлиб қолдик.

Менинг эса Избоскан туман поликлиникасининг жарроҳлик бўлимида ишлайдиган Йўлдош ака Fозиевнинг олдига борганимда, бир бемор аёл билан бўлиб ўтган суҳбат ёдимга келди.

— "Шу гапингизни иккинчи гапирманг дўхтир, — деганди аёл Йўлдош аканинг ногиронлик нафақасига чиқинг, деган таклифига жавобан. — Оёқларимда юра олиб, қўлларим билан овқат ейишга қодир эканман, умримнинг охиригача бунақа бўлмайман. Биласиз-ку, уч ой шифохонада шифтга термилиб ётдим. Аллоҳга кечаю-кундуз илтижо қилиб, терлаб-пишиб, югуриб-елиб меҳнат қилишга етказишини сўрагандим. Мана ниятларимнинг дастлабки меваси, оёғимда юрибман. Ҳали кўрасиз олдингидек соппа-соғ бўлиб кетаман".

Ҳалиги аёлни кейинчалик кўп кўрдим. Ёши элликдан ўтаётган бўлса-да, ўттиз ёшли жувонлардек кўркам ва соғлом. У Аллоҳдан тилаган ниятига етганди.

Ўшанда англадимки, ким яхши ният қилса, ҳалол яшашга интилса, ниятига етаркан. Яхши ният — гавҳар келтирар, ёмони — зарар, деб шунга айтишса керак-да.

Йўлдош ИСОҚЖОНОВ,
Андижон вилояти

ҚИЛМИШ

Ўзганинг ҳақини ейишганди

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларни, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш департаментининг Жиззах вилояти Дўстлик туман бўлими ходимлари тезкор маълумотларга асосан ўтказган текширувда туман Маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Шерзод Ражабалиев, бўлимда хазиначи вазифасида ишлаган Матлаб Кўбаев ҳамда Бекзод Боймуродовлар ўзаро жиноий тил бириктириб, 2009 йил январь, февраль, сентябрь, октябрь ойларидаги № 5-, 9-, 33-, 34-сонли иш ҳақи тўлов қайдномаларидаги фуқаролар М.Аҳмедов, Т.Дадажанов, Ж.Равшанова, А.Исломовларнинг олинмаган қарийб 1 миллион 936 минг сўм нақд пулларини имзоларни қалбакилаштирган ҳолда, расмий ҳужжат ҳисобланган иш ҳақи тўлов қайдномаларини ғаразгўйлик мақсадида сохталаштириш йўли билан ўзлаштирганликлари фош этилди.

Мазкур ҳолат юзасидан Департаментнинг Жиззах вилоят Дўстлик туман бўлими томонидан Ш.Ражабалиев, М.Кўбаев, Б.Боймуродовларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 167-моддаси 2-қисми "в", "г" бандлари ва 209-моддасининг 1-қисми, 228-моддасининг 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилди. Жиноятчилар қилмишларига яраша жазога маҳкум этилдилар.

Шерзод ЖУЛИБАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚ департаментининг Дўстлик туман бўлими суриштирувчиси

Нафси ўпқон «мотоциклчи»

ёки миллион-миллион сўмлик маблағнинг ўзлаштирилгани ҳақида

Одам боласи ўттиз иккки ёшида оқ-қорани таниб, ақл билан иш юритиши оддий ҳақиқат. Аммо Саидносир Раззоқов олдин судланганидан тўғри хулоса чиқариш ўрнига яна жиноятга қўл урди.

Бу гал у уюшган жиноий гуруҳ таркибида «фаолият» юритиб, қилмишини сохта ҳужжатлар билан яширишга уринди. Бироқ «текшир-текширда» барча қинғир ишлари ошкор бўлди-қўйди.

Гап шундаки, «Inter fud levet» хусусий корхонаси раҳбари ўрта маълумотни ҳам эплаб ўзлаштирмаган Саидносир Раззоқовнинг қатор нозик «операция»ларни амалга оширганига биров ишонади, биров ишонмайди. У бир гуруҳ шахслар билан жиноий тил бириктириб, қатор жиноятларни содир этган. Божхона қоидаларини қўпол равишда бузган, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, жуда катта миқдордаги мулкни ўзлаштирган. Қолаверса, хусусий корхонанинг тегишли рухсатномасисиз 52 миллион 580 минг сўмлик улгуржи савдони амалга оширган. 411 миллион 549 минг сўмлик пул ўтказиш йўли билан реализация қилиниши лозим бўлган товарларни нақд пулга сотиб, ундан тушган пулларни банкка топширмаган.

Хусусий корхона директорининг «тендерда ғолиб чиқиш» режаси ҳам ғалати кўриниш касб этди. «Тадбиркор» гўё тендерда иштирок этиш таклифи билан чиққан қатор МЧЖлар номидан қалбаки тижорат таклифларини тайёрлайди ва ана шу корхона раҳбарларининг имзосини сохталаштириб, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ишчи гуруҳи комиссиясига тақдим этади. Қизиқ томони шундаки, "сохта таклифлар"да мотоцикль ва электр токи ишлаб берадиган генераторларнинг нархи қиммат, Саидносир Раззоқов бошлиқ хусусий корхона таклифида эса баҳолар арзон кўрсатилади. Фирибгарлик қилган "тадбиркор" тендерда осонликча ютиб чиқади ва Саидносир Раззоқов енг шимариб ишга киришади. У вазирликнинг вилоятлардаги бирлашмалари билан мотоцикль ва электрогенераторлар етказиб бериш бўйича кетма-кет шартномалар тузади. Қисқа фурсатда тўлиқсиз ўрта маълумотли «тадбиркор» 64 миллион 884 минг сўмлик маблағни ўзлаштириб юборади. Текширув давомида 217 миллион 300 минг сўмлик электрогенераторлар республикамизга яширинча олиб кирилгани маълум бўлди.

Саидносир Раззоқовнинг қандай инсон эканини кўрсатувчи яна бир ҳолатга эътиборингизни қаратсак. Бу "аллома" Сергели туманидаги уй-жой мулкдорлари ширкатларидан бирида... сантехник бўлиб ишловчи Шокир Содиқовни корхонанинг бухгалтери лавозимига расмийлаштирган. Демак, Саидносир Раззоқов ўзининг ғараз ниятини амалга ошириш мақсадида шундай йўл тутган, десак, нотўғри бўлмайди.

Савдо ва божхона қоидаларини бузиб, жуда катта миқдордаги солиқни тўлашдан бўйин товлаган корхона раҳбари узоққа бормади. Сохта имзо, қалбаки ҳужжат билан тендер «ғолиби» бўлиб, давлат манфаатларига зарар етказган хусусий корхона директори бу гал қаттиқ жазоланди. Иккинчи марта судланган Саидносир Раззоқов зора энди қилмишларидан ўринли хулоса чиқарса...

Шавкат РЎЗИБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚ департаменти бош инспектори

Эҳтиётқорлик — кони фойда

Ўлкамизга ёз фасли кириб келишига саноқли кунлар қолди. Унинг ўзига хос жозибаси билан бирга бу даврда ўт-ўланларнинг қовжираб қолиши боис ёнғин чиқиш эҳтимоли ҳам кўпаяди. Агар ёнғин чиқишига қарши жиддий тайёргарликлар кўрилса, юртдошларимиз йиллар мобайнида йиғиб-терган мол-мулкини, қолаверса, ўзи ва жигарбандларининг соғлигини ҳам ҳимоя қилган бўладилар. 2010 йилнинг 5 ойи мобайнида содир бўлган ёнғинлар ҳақидаги маълумотларга назар ташласак, биргина пойтахтимизда 1518 та ёнғин қайд этилди. Оқибатда 30 нафар фуқаронинг ҳаётдан бевақт кўз юмиши, уч нафар инсоннинг турли хил тан жароҳати олгани, албатта, аянчлидир.

Ёнғин оқибатида фуқароларнинг бошпанасиз қолишгани эса улар хотиржамлигини икки карра кўпроқ бузади. Шундай экан, юртдошларимизнинг ёнғиннинг келиб чиқмаслиги учун хавфсизлик қоидаларига эътибор қаратишларини маслаҳат берган бўлардик. Ўз навбатида ота-оналар ва катталарнинг болаларни уйда ёлғиз қолдирмасликларини, уларнинг гугурт ва бошқа тез ёнувчи воситалар билан ўйнашларига йўл қўймасликларини илтимос қиламиз. Уйда ишлатиш учун давлат стандартларидан ўтмаган носоз, қўлбола иситиш воситаларидан фойдаланиш ҳам кўнгилсизликлар келтириб чиқариши мумкинлигини таъкидлаймиз.

Ш.БОТИРОВ

НУҚТАИ НАЗАР

МУТОЛААГА ҚАЙТИШ – ЎЗЛИККА ҚАЙТИШ

Бир кун китоб ўқимаган одам юз йил жаҳолатда юрган одам билан баробардир.
Хорхе Луис Борхес

Атлантика океанини эшкакли қайиқда кесиб ўтган энг ёш сайёҳ – Кэти Спотцнинг сафари қарийб икки ярим ой давом этди. Кэти уммонда бироз ёлғизликдан қийналгани, аммо бунинг йўли осонгина топилганини таъкидлаган. Ёш денгизчи электрон почта орқали танишлари билан хат ёзишган ва интернетдаги форумларда мулоқот қилган. Буни қарангки, одамзот интернет билан ҳатто чексиз уммон ўртасида ҳам зерикиб қолмас экан. Аммо...

КИЧРАЙИБ БОРАЁТГАН РОМАНЛАР

Бугун ахборот-коммуникация технологиялари кириб бормаган жабҳанинг ўзи қолмади ҳисоб. Ғарб келажакшунос олимлари таъбири билан айтганда, инсоният чин маънода ахборот асрига қадам қўйди. Бунинг эса ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари бўлиши табиий. Замонамизнинг ўзига хос типик муаммоларидан бири қарийб ёзув кашф этилгандан бери беқиёс маънавий мўъжиза сифатида баҳолаб келинаётган китобнинг қайсидир даражада қадрсизланиши, бадиий мутолаа — ҳис этиш, туйиш эмас, шунчаки ўқиш — ахборот олишнинг бирламчи ўрингa кўтарилганидир. Бу нафақат ўзбек халқининг, балки бутун башариятнинг долзарб муаммоларидан бирига айланмоқда.

«Компьютер авлоди»га мансуб бир ёш йигитни танийман. Илм-фаннинг бугунги ютуқларидан дурустгина хабардор. Баъзан Кафка, Камю, Фромм, Шопенгауэр ва дунё тафаккурининг чўққилари бўлган бошқа файласуф ва адиблар ҳақида жўяли фикрлар айтиб қолади. Лекин улар интернетдан олинган тайёр маълумотлар, холос. Асарларини ўқимаган! Сабабини сўрасам, ўқишга вақтим ҳам, ҳафсалам ҳам йўқ. Маълумотларнинг ўзи кифоя, дейди.

Бу — «компьютер авлоди»га мансуб зиёли йигитнинг гапи! Мен уни одамга эмас, ахборот тўпланган диск ёки флешкартага ўхшатаман», деб ёзади таниқли ёзувчи Назар Эшонқул.

Адибнинг ташвишланганича бор. Бугунги ёшлар орасида бадиий асар мутолаа қилиш эмас, улар ҳақидаги маълумотларни ўқиш урфга кириб бормоқда. Замон суръати тезлашиб кетаётган бир даврда туғилган авлод вакиллари наза-

рида, 1000 саҳифадан ошиқ «Анна Каренина»ни ўқиб чиқиш учун ойлаб умрини сарфлаш вақт исрофгарчилигидан бошқа нарса эмас. Шу боисданми, ғарбда айниқса, уммон ортида классик асарларни адаптация (улар руҳига мослаб чоп) этиш авж олиб бораяпти. Албатта, мумтоз асарнинг қисқартириб, маълум аудиторияга мўлжалланган нусхасида аслият жозибасини туйиш қийин. Шунчаки сюжетдан хабардор бўлиш мумкин, холос. Вақт суръати бугун яратилаётган адабиёт маҳсулларига ҳам ўз ҳукмини ўтказмай қолмади. Масалан, XIX аср охири XX аср бошларида роман ўртача 400-500 бет (баъзида 900-1000 варақ) ёзилган бўлса, орадан юз йил ўтиб, ёзувчилар бор-йўғи 150-200 саҳифадан иборат романлар битишмоқда. Етти-саккиз йил олдин бутун дунёда катта қизиқиш билан ўқилган «Ал-кимёгар» китоби ҳам атиги 100 бетдан ошиқроқ эди. Асарнинг бунчалик кўп китобхонларни ўзига жалб қилишида бошқа хусусиятлар билан бирга ҳажм ҳам алоҳида роль ўйнаган бўлса, не ажаб.

ФИКРИЙ ЯЛҚОВЛИККА ЙЎЛЛАНМА

Шуни унутмаслик керакки, бугунги чексиз имкониятлар ёш авлодни дангаса қилиб қўяяпти. Айниқса, мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари учун интернет «жуда фойдали манба»га айланиб қолди. Ўқитувчилар мустақил ишлаш, изланиш учун бераётган топшириқларни веб-сайтлардан осонгина кўчириб олишаётир. Бу эса уларнинг нафақат жисмоний, балки фикрий ялқовлигини кучайтираяпти. Демак, одамни одам қилиб турган тафаккур қилиш, ижод этиш кўникмаларини бирма-бир ўлдирмоқда.

— Бир куни синглим: «Опажон, интернетдан адабиёт фани бўйича фалон мавзуда реферат олиб беринг», деб қолди, — дейди шифокор Азамат Мамаюсупов. — «Сенга қачонга тайёр бўлиши керак?» десам, «Эртага иккинчи соатда топширамиз», деди ва адабиёт дарсидан «беш» олиши учун унга ўн балл етмаётганини, мен интернетдан кўчириб берадиган тайёр реферат шу кемтикни тўлдириш учун жуда зарур эканини айтди...

Бизнингча, бунга беэътибор қараб бўлмайди. Хўш, ўқувчи рефератни нима мақсадда тайёрлайди? Ўқитувчи нима сабабдан мустақил иш беради, ўқувчи изланиб, китоб ўқиб билимини бойитсин дебми ёки ўша зорманда баллни кўтариш учунми? Бунинг ўрнига 10-20 бет бўлса-да китоб ўқигани яхши эмасми? Шунда у дунёни бадиий идрок этишни ўрганади, мутолаа чоғида эса ўз-ўзидан фойдали фикрлар туғилади. «Фикрлаяпманми, демак, тирикман», деган эди Ғарб Уйғониш даври файласуфи Декарт. Унда тафаккур қилмайдиган бугунги ёшларни ким деб аташ мумкин?

БАҲОНА ЎЗИНИ ОҚЛАРМИДИ?..

Ҳамма нарсани вақт етишмаслигига тўнкаб қўйишга ўрганиб қолганмиз. Бироқ бу бадиий мутолаадан воз кечиш учун сабаб бўлолмайди. Зотан, 200 бетлик китобни ўқишга ҳафсаласи, вақти йўқлигидан нолиётган йигит-қизлар чатда соатлаб ўтириб, қимматли вақтларини ҳавога совураётганлари ҳам бор гап.

— Бизда катталар интернетни кўпинча қабул қилолмайди, — дейди ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети магистранти Дурдона Алимова. — «Интернет оммавий ахборот воситаси эмас», «Интернет китоб бўлолмайди», «Интернет касридан миллий маданиятимиз йўқ бўлиб кетаяпти», дейишади. Аммо бугунги авлодни бундай гапсўзлар билан тарбиялай олишга ишонасизми? Наврқирон авлодга чатни ёмон кўрсатмоқчимисиз? У ҳолда ёшларни интернетнинг бошқа, тўғри кўчаларига жалб қилинг...

Ҳа, ёшларнинг бир вакили, ЎзДЖТУ магистрантининг фикрларида ҳам жон бор. Уларни бадиий адабиётга, китобга қизиқтириш учун барча имкониятлардан, хусусан, замонавий технологиялардан ҳам оқилона фойдаланиш лозим.

Ватан туйғуси мажбурлаб сингдирилмагани каби мутолаага ҳам зўрлаб ўргатиб бўлмайди. Хўш, унда нима қилиш керак? Бизнингча, мактаб, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларида адабиёт фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш лозим. Чунончи, муаллимлар асар сюжетини эмас, унинг бадиий жозибаси ҳақида гапириб беришсин. Агар болага бирор асарнинг жозибаси кўрсатиб берилса, кўнглига чўғ солиб қўйилса, айтилмаса ҳам уни албатта топиб ўқийди.

Шунингдек, интернетда очилган кутубхоналар, яратилаётган электрон китоблар ҳам «дунё ахборот тўри»да адашиб юрган ёшларни ўз-ўзидан бадиий китоб ўқишга қизиқтириб қўйиши табиий. Ана шундагина улар қалбини ром этган китобларнинг электрон босма нусхасини излашади, топгач, мириқиб мутолаа қилишади.

Санобар БОЛБЕКОВА,
она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси,
Шаҳноза БАҲРОМЖОНОВА,
журналист

БУГУННИНГ ГАПИ

Ҳар бир давлатни жаҳонга танитишда оммавий ахборот воситалари, спорт мусобақалари, турли маданий анжуманлар ва саналарга бағишланган нуфузли тадбирлар билан бирга, ранг-баранг шакл ва кўринишларга эга рекламаларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Республикамизда реклама соҳаси назарий ва амалий асосларга эга бўлиш билан биргаликда у хизмат кўрсатиш тармоғида алоҳида саноатга айланиб улгурди.

Халқаро ахборот тизимида миллий реклама

Юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар аҳолига кўрсатилаётган хизмат турлари тўғрисидаги рекламаларнинг халқаро майдонга чиқиши ва жаҳон информацион жараёнига кириб боришида эса интернет алоҳида аҳамият касб этади. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги "Ахборот коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги қарори барча соҳаларда янги информацион технологияларнинг жорий қилинишида муҳим омил бўлди. Айни кунда юртимиздаги деярли барча йирик ишлаб чиқариш, саноат корхоналарининг, вазирлик, агентлик ва бошқармаларнинг Жаҳон интернет тизими билан боғланган электрон манзиллари, уларнинг фаолияти ҳақидаги хабарларни тарқатувчи Веб- сайтлари мавжуд. Мазкур шарт-шароитларга кўра доимий мониторинг ишларининг юритилиши ҳам соҳа ривожига, хусусан, реклама жараёнларининг замонавий талаблар даражасида қайта қурилишига имконият яратмоқда.

Биргина матбаачилик ва ноширлик соҳасини оладиган бўлсак, айни кунларда республикамизда фаолият юритаётган юздан ортиқ нашриётнинг деярли 30 фоизи ўз маҳсулотларини интернет орқали тарғиб қилиш имкониятига эга. Хусусан, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги "Ўзбекистон", "Ўқитувчи", F.Ғулом, Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти китоблар маркетингини ҳам компьютер технологиялари асосида амалга оширишга киришганликлари қувонарлидир.

Айниқса, миллий маҳсулотларимиз чет элларда жуда машҳур. Шу ўринда республикамизда анъанавий тарзда ўтказилаётган "Асрлар садоси" халқаро фестивалини ҳам ўзига хос миллий реклама деб аташ мумкин. Чунки халқимиз маданиятини, санъатини, маънавиятини, урф-одатини, миллий либослари ва кийиниш одобини чет элларга тарғиб қилишнинг энг самарали усулларидан биридир.

Миллий рекламанинг ахборот жараёнидаги иштирокини таъминлашда интернетдаги сайтлардан фойдаланиш ҳам катта самара беради. Бунда реклама агентлигининг бошқа агентликлар билан ҳамкорлиги йўлга қўйилиши билан бирга реклама мазмуни қисқа муддатларда етказиб берилади. Айни кунда мамлакатимизда 120 дан ортиқ реклама агентликлари фаолият юритиб, улар аҳолини турли кўриниш ва мазмундаги маҳсулотлар ҳамда хизматлар бозори билан таништирмоқда.

Республикамиздаги йирик хорижий фирмаларнинг дилерлари билан алоқа боғлаш, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг кенг миқёсда тарғиб қилиниши учун йўл очади. Айниқса, бу жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирини камайтириш, унинг оқибатларини бартараф этишда қўл келади.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов "Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобида шундай ёзади: "Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда глобал инқирознинг оқибатларини, бугунги ва эртанги кутиладиган таъсирини ҳисобга олган ҳолда, қатъий, ҳар томонлама ўйланган, кенг кўламли лойиҳалар бугун амалга оширилмоқда".

Мана шу кенг кўламли лойиҳалар, имконият ва ресурслар ичида миллий рекламанинг ўзига хос ўрни борлиги, шубҳасиз. Бизни олдинда жаҳон бозоридаги талабни ўрганиш, экспорт қилинадиган маҳсулотларни рекламалар орқали харидорларга етказиш йўлларини кидириш муҳим вазифалар кутаяпти.

Наргиза АҲМЕДОВА,
Тошкент давлат маданият институти магистранти

ЭЪЛОН

Меҳнат фаолиятларини чет элларда амалга ошириш истагида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги ўртасида тузилган меҳнат кучини айирбошлаш тўғрисидаги Меморандумга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларини меҳнат фаолиятларини Корея Республикасида амалга оширишга юбориш учун улар корейс тилидан ўтказиладиган тест синовларидан муваффақиятли ўтишлари ва Корея Республикаси Меҳнат вазирлигининг иш қидирувчилар маълумотлар базасида иш қидирувчи номзод сифатида рўйхатга олинишлари лозим. Корейс тили бўйича тест синовларидан муваффақиятли ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсига оид маълумотларни Корея Республикаси Меҳнат вазирлигининг иш қидирувчилар маълумотлар базасига киритиш Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан унинг Кореядаги ҳамкори — Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати билан биргаликда амалга оширилади.

Шу билан бирга, корейс тили бўйича тест синовларидан муваффақиятли ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига корейс иш берувчиларидан меҳнат шартномалари олингандан сўнг ушбу номзодлар Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан кетиш олди тайёргарлиги бўйича ўқув машғулотларига чақиртирилади.

Эслатиб ўтамиз, корейс иш берувчиларидан меҳнат шартномалари келиши, фуқароларни меҳнат фаолиятини Корея Республикасида амалга ошириш учун юборишни ташкил этиш ҳамда Кореяга кириш визаларини расмийлаштириш жараёнида бирон-бир юридик ёки жисмоний шахслар иштирок этмайди.

Фуқароларимиздан меҳнат фаолиятларини Кореяда амалга ошириш учун у ерга юбориш бўйича турли шубҳали шахслар ва фирибгарлар томонидан пул эвазига хизмат кўрсатиш тўғрисидаги ёлғон ваъдаларига ишонмасликларини сўраб қоламиз!

Шунингдек, меҳнат фаолиятини Корея Республикасида амалга оширишга юбориш тўғрисида хизматлар кўрсатиш бўйича шубҳали шахслар ёки фирибгарлар сизга мурожаат қилиб, ўз хизматларини таклиф этсалар, зудлик билан Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига мурожаат қилишингиз сўралади.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг ишонч телефонлари: 8(371) 252-13-61, 8(371) 232-88-27.

O'ZSANOATQURILISHBANK

очиқ акциядорлик тижорат банки



Дастурий таъминот (программное обеспечение)
«IBM Lotus Domino 8.5.»
етказиб бериш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов ўтказиш тартиби ҳақидаги маълумотни ва танлов ҳужжатлари тўпламини қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси 3-уй.

Тел.: 120-45-18, 233-91-45
факс: 233-91-45.
ички телефон: 31-33

Танлов таклифлари эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 банк иш куни давомида соат 9:00 дан 17:00 гача қабул қилинади.

O'ZSANOATQURILISHBANK

очиқ акциядорлик тижорат банки

ўзининг маъмурий биноси ҳудудида банк тарихий музейини ташкил этиш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов ўтказиш тартиби ҳақидаги маълумотни ва танлов ҳужжатлари тўпламини қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси 3-уй.

Тел.: 120-35-72, 120-45-03
Факс: 120-45-03.
Ички телефон: 38-03

Танлов таклифлари эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 банк иш куни давомида соат 9:00 дан 17:00 гача қабул қилинади.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ДАРАКЛАР

ЖАНГАРИ ЖАЗОСИНИ ОЛДИ



Ироқ суди "Ал-Қоида" террорчилар гуруҳи жангарисини ўлим жазосига ҳукм этди. У 2006 йилда Бағдодда Россия элчихонасининг бир вакилини ўлдиришда ва тўрт вакилини ўғирлашда айбдор деб топилди.

РИА "Новости" хабарида айтилишича, 2006 йилнинг 3 июнь куни Россиянинг Бағдоддаги элчихонаси олдида элчихона вакиллари ўтирган зирҳли машинага террорчилар ҳужум уюштиради ва бир ходимни ўлдириб, қолган тўрт нафарини ўз машиналарида ўғирлаб кетади. Кейинроқ террорчилар Россия ҳукуматига армиясини Чеченистондан олиб чиқиб кетиш талабини қўяди. Россия уларнинг бу талабини рад этгач, гаровга олинганларни қатл этишади.

2007 йилда Ироқ армияси жангарилардан бирини ҳибсга олди. Кейинроқ эса АҚШ армияси ҳужуми пайтида улардан яна бири ҳалок бўлгани аниқланди. Хабарларга қараганда, элчихонага ҳужум қилганлар етти киши бўлган.

ВЕНЕРАНИ ТАДҚИҚ ҚИЛМОҚЧИ



Япониянинг JAXA космик агентлиги бортида қуёш елканли йўлдоши ва Венера сайёрасини ўрганадиган аппарат ўрнатилган ракетани самога учирди. France-Presse хабарига қараганда, ракета Танегасима космодромидан парвоз қилган. Унинг парвози 18 майга мўлжалланган эди. Аммо ноқулай об-ҳаво туфайли учиш кечиктирилганди.

Елканли йўлдош қуёш нуридан олинган энергия ҳисобига ҳаракатланади. Уни яратишга 16 миллион доллар маблағ сарфланди. Венерани ўрганувчи «Акацуки» аппарати жорий йилнинг декабрида сайёрага яқинлашиб боради. У сайёранинг иқлими, атмосфераси ва устки қисми ҳақида маълумотлар тўплаши керак.

"ASIANA AIRLINES" БИРИНЧИ

Буюк Британиянинг "Skytrax" тадқиқотлар агентлиги ходимлари ўтказган сўровномага асосан, Жанубий Кореянинг "Asiana Airlines" авиакомпанияси дунёдаги энг зўр авиакомпания деб топилди. Бу ҳақда Aviation Record нашри хабар тарқатди.

Илгари "Seoul Airlines" деб номланган "Asiana Airlines" 1988 йилда ташкил топган. Ҳозир авиакомпания самолётлари 13 та ички йўналиш ва 81 та халқаро йўналишларда парвозларни амалга оширмоқда. Авиакомпания паркида 69 та самолёт бор.

Рўйхатнинг иккинчи ўрнидан Сингапурнинг "Singapore Airlines", учинчи ўрнидан эса Қатарнинг "Qatar Airways" авиакомпанияси жой олди.

Сўровномада 100 мамлакатнинг 18 миллион аҳолиси иштирок этди. Сўров 2009 йилнинг июлида бошланиб, 2010 йилнинг апрелида ниҳоясига етди.

УЧ БАРАВАР КЎП

Германиянинг Афғонистондаги ҳарбий амалиётлари учун сарфланаётган харажатлари ҳарбий вазирлик бераётган маълумотдаги харажатлар миқдоридан уч баравар кўп. Берлиндаги Германия иқтисодиёт институти олимлари шундай қарорга келишди. Институт олимларининг фикрича, Бундесвер армиясининг Афғонистондаги бирлашган қўшинлар сафида ҳарбий амалиётларда иштирок этиши учун Германия ҳар йили 3 миллиард евро сарфламоқда. Аммо вазирлик маълумотлари ҳар йили бу кўрсаткич 1 миллиард евро деб кўрсатилаяпти. Олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, агар немис аскарлари Афғонистондан 2013 йилда олиб чиқиб кетилса, бу иш учун немислар 36 миллиард евро маблағ сарфлашади. Бу сана 2020 йилгача чўзилса, харажатлар 70 миллиард еврони ташкил этади.

Эслатиб ўтамиз, 2009 йилга қадар Афғонистонда Германиянинг 4500 нафар аскари хизмат қиларди. Жорий йил бошидан расмий Берлин аскарлар сонини кўпайтиришга қарор қилди. Шу қарор бўйича яқин кунларда Афғонистондаги немис ҳарбийлари сони яна 850 нафарга кўпаяди.

КЕМА БОРТИДА ЁНҒИН



Норвегиянинг Эйфорт шаҳри портида турган Германиянинг "Дойчланд" круиз кемасида ёнғин чиқди. "Associated Press" тарқатган хабарда айтилишича, кемадаги 364 нафар йўловчи ва матрослар, жами 607 нафар киши қирғоққа эвакуация қилинган. Хабарларга қараганда, кеманинг машина бўлимида бошланган ёнғин тезлик билан ўчирилган, жабрланганлар йўқ.

Кема Норвегия бўйлаб саёҳатга чиққан сайёҳларни олиб, Гамбургга қайтиши керак эди.

ЭНГ ҚИММАТ МАРКА

Жаҳондаги энг қиммат марка «Treskilling Yellow» телефон орқали ўтказилган аукционда сотилган. Унинг неча пулга ва кимга сотилгани маълум қилинмади. Аммо кимошди савдосини ўтказган «David Feldman» савдо уйи ходимларининг айтишича, марка мўлжалдагидан 2,3 миллион доллар қимматга сотилган. Савдо бошланишидан олдин марканинг баҳоси тахминан 8 миллион доллар деб баҳоланган эди.

«Treskilling Yellow» Швецияда чиқарилган биринчи марка ҳисобланади. 1855 йилда чоп этилган ушбу марка сўнгги марта 1996 йили сотувга қўйилган ва 2,3 миллион долларга сотилган эди.

РАНЧО СОТУВГА ҚЎЙИЛДИ

Америкалик машҳур қўшиқчи Шерил Кроу Теннеси штатидаги ранчосини 7,5 миллион долларга сотмоқчи. Уч қаватли уйнинг умумий майдони 950 квадрат метрни ташкил этади. Уйда бешта ухлаш хонаси, еттита ваннахона, бир нечта каминли меҳмонхона ва ошхона бор.

Уй атрофидаги майдон 60 гектардан иборат. У ерда чўмилиш ҳавзаси, хизматчилар учун уй, гараж, тренажёр зали, отхона ва бошқа кўплаб хизмат кўрсатиш ҳоналари мавжуд. Маълумотларга қараганда, ранчонинг бир қисмини хонанда 2006 йилда 2,650 миллион долларга, қолган қисмини эса 2007 йилда 1,845 миллион долларга харид қилган эди.

АЛИ ВАКИЛ ОЗОД ЭТИЛДИ

Франция олий суди 1994 йили умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилган Эрон фуқароси Али Вакил Родни озод қилиш тўғрисида қарор чиқарди. Али Вакил Эроннинг собиқ бош вазири Шопур Бахтиёрни ўлдиришда қатнашгани учун шундай жазога ҳукм этилган эди.



«Le Figaro» газетасининг ёзишича, Али Вакил қамоқхонадан чиқиши билан Францияни тарк этиши керак. Франция ички ишлар вазири Брюс Ортфе уни экстрадиция қилиш тўғрисида қарор чиқарди.

Сўнгги хабарларга қараганда, маҳбус 18 йиллик қамоқдан сўнг Пуасси қамоқхонасини тарк этган. Франция ташқи ишлар вазирлиги вакили Роднинг қамоқдан чиқарилиши Эронда қамоққа олинган франциялик ўқитувчи Клотильда Райсснинг озод этилиши билан боғлиқ эмаслигини таъкидлади.

МАХСУС КОСМИК АППАРАТ ЯРАТИШМОҚЧИ

Россиянинг С.А.Лавочкин номидаги илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари «Апофис» астероидини ўрганишга ёрдам берадиган махсус космик аппарат яратиш устида иш олиб боришмоқда. 2036 йилда бу астероид ерга келиб урилиши тахмин қилинмоқда. Олимларнинг айтишича, унинг сайёрамиз билан тўқнашиши 250 мингга 1 фоизни ташкил этади. Шундай бўлса-да, «Апофис»ни ўрганиш бошлаб юборилди. Мутахассисларнинг фикрича, унинг хусусиятларини билмай туриб бу осмон жисмига қарши курашиб бўлмайди.

Космик тадқиқотлар институти директори, Россия ФА академиги Лев Зеленийнинг таъкидлашича, астероид 2029 йили Ерга 30-40 минг километргача яқинлашади. 2036 йилда эса у Ерга яна ҳам яқин келади. Агар астероид Ерга келиб урилса, Тунгус метеоритига қараганда, бир неча юз баравар катта зарар етказиши мумкин

«Апофис» астероиди 2004 йили кашф этилган эди. Дунё олимлари бугун астероидни яқинлаштирмаслик ёки йўлда портлатиб юбориш ҳақида бош қотиришмоқда. Янги кема яратиш ғояси ҳам шу истакдан пайдо бўлган.

БУНАҚАСИ ҲАЛИ БЎЛМАГАН

Тайваннинг Гаосюн шаҳрида яшовчи ортопед-врач беморларни текширишга кам вақт сарфлагани учун огоҳлантирилди. Маълумотларга қараганда у бир йилда 61366 беморни текшириб, таҳшис қўйишга улгурган.

Назоратчиларнинг таъкидлашича, врач бир кунда 339 та беморга хизмат кўрсатган, бу дегани бир беморни кўришга 84 сония вақт сарфлаган.

Тайван тиббиёт вазирлиги вакиллари бу докторнинг исми шарифини айтишмаган бўлса-да, оммавий ахборот воситалари ходимлари ундан интервью олишга ҳам улгуришди. Мин Фен исмли врач ҳақиқатан ҳам шунча одамни текширувдан ўтказганини тан олди. Шу билан бирга, агар ҳукумат беморлар сонини камайтиш тарафдори бўлса, бунга жон деб кўнишини ҳам билдирди. Унинг таъкидлашича, беморларнинг кўплигидан ўзи ҳам безор бўлган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

АГРОБАНК МИЖОЗНИНГ ИШОНЧИ БИЗ УЧУН МУҲИМ

Маълумки, банклар давлатнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутади. Иқтисодиётнинг изчил ривожи эса қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг эркин фаолият юритишига бевосита боғлиқ. Юртимизда улар учун яратилган қулай имконият ва шарт-шароит, айниқса, молиявий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар соҳа ривожи, янгидан-янги ишлаб чиқариш ва сервис хизматларининг жорий этилиши, кўплаб иш ўринларининг яратилишига замин бўлмоқда. Ҳозирги кунгача минглаб тадбиркорларнинг ишончини оқлаб келаётган, уларга имтиёзли ва кам фоизли кредитлар ажратиб, фаолиятининг ривожланишига кўмакчи бўлаётган "Агробанк" Навоий вилоят бошқармасининг бу борадаги фаолиятини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Ўзбекистон Республикасининг Банк тизимини ислоҳ қилиш Дастурига мувофиқ, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи банк тизимини шакллантириш, уларнинг молия бозоридаги воситачилик ролини фаоллаштириш, молиявий мустақиллигини таъминлаш, фаолиятини жаҳон банк амалиётига яқинлаштириш ва пировард натижада, мазкур молия муассасаларининг ички ва халқаро молиявий бозорларда рақобатбардошлигини юқори даражага олиб чиқиш борасида яратилган мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, "Агробанк" ОАТБнинг Навоий вилоят бошқармаси шаҳар ва туман филиаллари томонидан давлат дастурлари ижросини таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги соҳаси корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида кўплаб кредитлар ажратилди.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида қишлоқ жойларида енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш, аҳолини қишин-ёзин сархил ва сифатли мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш учун Кармана туманидаги "Кармана Нури роҳат" фермер хўжалигига 100 млн. сўм, Хатирчи туманидаги "Сарвар Сардорбек" фермер хўжалигига 50 млн. сўм, "Салоҳиддин қўнғирот" фермер хўжалигига 45 млн. сўм, "Фарҳод Арабов" фермер хўжалигига 40 млн. сўм, "Дўстлик" фермер хўжалигига 100 млн. сўм, "Боғи эрам Исломбек" фермер хўжалигига 50 млн. сўм, жами 485 млн. сўм, паррандачиликни ривожлантириш учун 6 мижозга жами 110 млн. сўм кредит маблағлари ажратилди.

Бундан ташқари, гўштни қайта ишлаш корхоналарини ташкил этишга банкнинг ўз маблағи ҳисобидан амалиёт бўлими мижози «Баҳор-2000" фермер хўжалигига 50 млн. сўм, Кармана туман филиалининг мижозлари "Жасурбек нияти" фермер хўжалигига 40 млн. сўм миқдорида, "Бешкент" фермер хўжалигига 45 млн. сўм кредитлар берилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 12 июлдаги 670-сонли қарорига асосан сутни қайта ишлаш ускуналари сотиб олиш учун Қизилтепа туманидаги "Адизбобо" ва "Кубаро Диёр" фермер хўжаликларининг ҳар бирига 150 млн. сўмдан, "Одил Брок Сервис" МЧЖга 100 млн. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи ускуналарни сотиб олиш учун 177 млн., асаларичиликни ривожлантиришга 24 млн. 500 минг, паррандачиликка 114 млн. сўм, балиқчиликни ривожлантириш учун эса 30 млн., жами 345 млн. 500 минг сўмлик кредитлар банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган 2007 йил 14 апрелдаги Низомга асосан ушбу молия муассасасининг туман бўлимлари томонидан фермер хўжаликларига 2010 йилнинг биринчи чораги давомида пахта ҳосилини етиштириш учун бўнак тариқасида 7 млрд. 633 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилган бўлса, шундан иш ҳақига 1 млрд. 97 млн. 900 минг, минерал ўғитга 1 млрд. 897 млн. 700 минг, ёнилғи-мойлаш материалларига 1 млрд. 712 млн. 500 минг, уруғлик харид қилишга 1 млрд. 161 млн. 800 минг, МТП хизматлари ва эҳтиёт қисмларга 672 млн. 300 минг ҳамда бошқа харажатларга 1 млрд. 90 млн. 900 минг сўм сарфланган. Ажратилган кредитлар мақсадли ишлатиб келинмоқда. Уларнинг миқдори ва йўналишидан ҳам англаш мумкинки, банк ўз олдига қишлоқ хўжалиги соҳасини изчил ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшишни устувор мақсад этиб белгилаган. 2010 йилги ғалла ҳосилини етиштириш учун фермер хўжаликларига жами 4 млрд. 551 млн. 300 минг сўм миқдорида имтиёзли кредит йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан 2009 йил пахта ҳосили якуний ҳисоб-китоблар учун йил давомида вилоят қишлоқ хўжалик корхоналарига 40 млрд. 80 млн. 600 минг сўм маблағ ажратилгани мақтовга лойиқ.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 февралдаги "Республикада 2010 йилда сабзавот, полиз, картошка, мева ва узум маҳсулотлари етиштиришни 30 фоизга кўпайтириш, қайта ишлаш, экспорт қилиш, ички истеъмол бозорини тўлдириш ва нарх-навони 20 фоизгача камайтириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида аҳолининг томорқа, ер участкаларида мева-сабзавот, полиз, картошка ва узум етиштиришни кўпайтириш учун 113 та фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари ва жисмоний шахсларга 111 млн. 800 минг сўм кредитлар ажратилди ва 46 та оила аъзоларнинг иш билан таъминланишига кўмаклашилди.

Банкнинг туман филиаллари томонидан жойлардаги фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллари, ҳокимият вакиллари билан ҳамкорликда томорқа эгаларига "ДОНИ" уруғчилик фирмасидан 15 млн. 25 минг сўмлик ҳар хил сабзавот ва полиз уруғларини марказлашган тартибда етказиб берилди.

Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида филиаллар томонидан 123 млн. сўмлик кредитлар ажратилди.

Жорий йилнинг ўтган чораги давомида вилоят бошқармасининг Янгирабод филиали томонидан 1 та ТТЗ-8011 русумли, Конимех филиали томонидан 2 та TS-6070 русумли ва Навоий вилояти ҳудудий филиали томонидан 1 та фермер хўжалигига ВТ-150 русумидаги занжирли тракторлар олинишига кўмаклашилди. Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инвестицион муҳитни шакллантириш учун шарт-шароит яратиш ва рағбатлантириш мақсадида бир қатор қонунлар, қарорлар қабул қилинди. Бундан мақсад иқтисодиётни эркинлаштириш, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, янги ишчи ўринларини яратишдан иборатдир. Бу йўналишда кичик бизнес субъектларининг улуши ҳам кўпайиб бормоқда. Айниқса, сўнгги йилларда соҳанинг мамлакатимиз миллий иқтисодиётини ривожлантиришда мустақил тармоқ сифатида тараққий этиб бораётгани қувонарлидир. Бундай ижобий ҳолатнинг юзага келишида тижорат банкларининг муносиб ҳиссаси бор, албатта. Хусусан, Навоий вилоятида фаолият юритаётган банклар томонидан ажратилаётган кредит маблағлари республикамизнинг бой ҳомашё ресурсларидан самарали фойдаланишга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва миллий иқтисодиётимизнинг бошқа кўплаб соҳалардаги йирик лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Президентимизнинг 2007 йил 12 июлдаги «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Молия вазирлигининг имтиёзли маблағлари ҳисобидан кўплаб хўжаликларга инвестиция лойиҳаларини амалга оширишлари учун имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Банкнинг Хатирчи тумани бўлими мижозлари бўлган «Хатирчиёғмой» хусусий корхонасига банк ўз маблағи ҳисобидан ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган экстракция цехини харид қилиш учун 350 млн. сўм кредит ажратди.

Мамлакатимизни улкан қурилиш ва бунёдкорликлар майдонига қиёслаш мумкин. Қай гўшага назар солманг, ҳар куни бир янги иншоот — ўқув муассасалари, маиший хизмат уйлари, хонадонлар қад ростлаётганини кўрасиз. Албатта, улар учун сифатли ва маҳаллий хом ашёдан тайёрланган пишиқ, пухта қурилиш материаллари зарур бўлади. Банк бу соҳани молиялаштиришни ҳам ўзининг устувор мақсади деб билади. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилдаги 288-сонли қарорига асосан «Фарҳод ва Ойгул» кичик корхонасига мармар плиталарни қайта ишлаш линияси харид қилиниши учун 20 млн. сўм кредит берилди. Эътиборли жиҳати ушбу мижоз бугун 130 минг АҚШ долларига шартнома имзолаган бўлиб, ҳозиргача шартнома суммасининг 40 фоизини ўзлаштирган.

Юртбошимизнинг 2009 йил 28 январдаги «Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида банкнинг Навоий шаҳар амалиёт бўлими мижозлари «Рустам Ниҳол» МЧЖга 2009 йилнинг 1 чорагида хорижий кредит линияси ҳисобидан юқори ҳароратга чидамли ғишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши учун 100 млн. сўм миқдорида кредит ажратилганини мисол сифатида келтириб ўтиш мумкин. «Ҳамкор барака савдо сервис» МЧЖга шундай ғишт ишлаб чиқарадиган ускунани харид қилишга 400 млн. сўм кредит ажратилиши кўзда тутилган. Бугунги кунда ушбу лойиҳа тўлиғича молиялаштирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш бўйича ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Қарорлар ижросини тўлиқ бажариш, бу йўлда камчиликларга йўл қўймаслик мақсадида юртимиздаги етакчи ишлаб чиқарувчилардан бири бўлган "Навоийазот" ОАЖ, "Бентонит" қўшма корхонаси каби йирик саноат корхоналари билан ҳамкорликда фаол иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш учун банкнинг ўз маблағи ҳисобидан 7 та мижозга иссиқхона ташкил этиши учун 415 млн. сўм кредит маблағлари ажратилиб, 30 та янги ишчи ўринлари яратилди. Шунингдек, қишлоқ жойларда янги савдо дўконлари ва супермаркетлар қуришга банк томонидан 5 та мизожга 145 млн. сўм кредитлар ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси «Агросаноатсотиш» уюшмаси кафиллиги остида "Хатирчи пахта тозалаш заводи" қурилиши учун қурилиш комплексини кредитлаш йўналиши бўйича 1 млрд. 100 млн. сўм миқдорида кредит маблағи ажратилгани боис ҳозирги кунда мазкур завод тўлиқ қуриб битказилди.

Бугунги кунда "Агробанк" ОАТБнинг Навоий вилояти бошқармаси ўз мижозлари ишончини тўлиқ оқлаган молия муассасаси дейишга асос бор.

— Буни "банк-мижоз" дастури асосида корпоратив мижозларга масофавий хизмат кўрсатиш тизимининг йўлга қўйилгани билан изоҳлаш мумкин, — дейди биз билан суҳбатда "Агробанк" ОАТБнинг Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи Ш.Жумаев, — бу эса мижозларимизнинг фаолиятимиздан қониқиш ҳосил қилишига сабаб бўлиши билан бир қаторда, янгидан-янги хизмат турларининг жорий этилишига, шунингдек, муассасамизнинг молиявий аҳволи ҳам яхшилана боришига замин ҳозирлайди. Асосий мақсадимиз эса мижознинг фаровонлиги учун хизмат қилишдир.

Дунёни ларзага солаётган молиявий-иқтисодий инқироз жаҳон банкларининг ишлаш тизимини ишдан чиқарган бир пайтда Ўзбекистон банклари ўзининг мустақиллиги ва салоҳиятини сақлаб қола билди. Бу йўлда янги ном ва янги мақсадлар билан иш бошлаган "Агробанк" ОАТБнинг фаолиятини ҳам алоҳида келтириб ўтиш ўринли. Мазкур молия муассасаси мижозлари сонининг кун сайин кўпаяётгани ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошиб бораётгани фикримизни тасдиқлайди.

Ўткир ЎСАРОВ,
Навоий вилояти ®

Бош хиёбон — азиз гўша

(Бошланиши 1-бетда.)

Хиёбондаги фавворалардан шаффоф сув отилар, у вақти-вақти билан ёритгичлар таъсирида камалакдек товланарди. Боғ оралаб гавжум ўрнатилган чироқлар ёғдуси билан фавворалардан жилваланиб отилаётган камалак рангли сув ёғдулари ўзаро уйғунлашиб, хиёбонга ўзига хос сирлилик ва мафтункорлик бағишлайди. Буни масканда айланиб юрган одамларнинг юз-кўзларидаги қувонч ва ҳайратдан ҳам билиш мумкин.

Амир Темур хиёбони атрофини қуршаган ҳашаматли биноларни ёритиб турган чироқлар шуъласи, айниқса, деворлари оқ мармардан тикланган "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи кўзни қамаштиради. Бу гўзалликка қараб, дил яйрайди. Майин эсаётган ўйноқи баҳор шамоли қулоқларимга шивирлайди: "Ҳис этаётганларинг ҳақиқат! Ҳаёт гўзал! Яшаш мароқли!"

Бир неча дақиқа ичида ҳорғинлигимдан асар ҳам қолмади. Ҳамроҳим чароғон хиёбонга, унда сайр қилаётган одамларга очиқ чеҳра билан термуларди.

— Сувни қаранг-а! Қандай қилиб рангли товланаркин? — деди у фавворага қараб.

— Чиндан ҳам камалак сув отилаяпти, деб ўйласак, борлиқ янаям мўъжизали кўринади-ку!

Шу пайт майин "майса гилам"лар устида юрган икки барваста аёлга кўзимиз тушди. Улар тўрт-беш қадам жойни айланишдан эриниб, шаҳдам қадамлар билан ям-яшил гўзалликни топтаганича майсазорни оралаб ўтиб борарди.

Мен бу ҳолни кўриб, индамай қолдим. Шеригим:

— Вой, ана уларни қаранг! — деди. — Юринг етиб олиб, гапирамиз. Ҳамма майсани босаверса, пайҳон бўлади-ку, деймиз. Ёки у ер-бу ерга "Атрофни эҳтиёт қилинг", — деб ёзиб қўйишмайдими?

— Улар ўзларининг қандай одам эканлигини намоён этишди, холос. Ҳамма ўз билганича қадам ташлайди. Менимча, бундайларга танбеҳ беришнинг ҳам, ёзиб қўйишнинг ҳам фойдаси йўқ, — дедим.

Биз ўз йўналишимиз бўйича қатновчи маршрут такси — "Газель"машинасига ўтирсак, майсазор оралаган "шунқорлар" ҳам шу ерда экан.

— Хиёбонда майсазорда юрганда оёғингиз лойга ботмадими? — деганимни сезмай қолдим.

— Ҳозирми? Ҳа... йўқ, — деди аёллардан бири бепарво ҳолда.

— Биз анча наридан келсак-да, машинага улгурдик. Шошмасангиз ҳам бўларди, —деб қўшилган бўлди шеригим.

— Ҳа...Нима бўпти? Ўт-ўлан одамдан азизмиди?

— Тўғри айтасиз, инсон ҳамма нарсадан азиз, — дедим мен. — Лекин кимдир уйимиз тўрига оёқ кийими билан чиқса, ранжиймиз.

— Ҳа, энди у уйимиз-да! — деди кулиб ҳалиги аёл.

— Хиёбон уйимиз эмасми, синглим? Биз баҳра олишимиз учун шундай гўзал ва ажойиб боғ таъмирланди, тикланди, қанчадан-қанча куч, маблағ сарфланди. Қолаверса, у жой улуғ саркарда Темур бобомизнинг муборак номлари билан боғлиқ маскан. Бу жойга бўлган ҳурматимиз бобомизга, Ватанимизга бўлган эҳтиром рамзику!?.

— Ҳа, тўғри айтасиз. Аҳолиси Ватани байроғини уйларининг пештоқига илиб қўядиган хориж давлатлари бор, — суҳбатимизга қўшилди талаба қиз.

— Маъқул гап, — дея мавзуни давом эттирди бир мўйсафид отахон.— Мустақиллик майдони, Амир Темур хиёбони Ватанимизнинг азиз гўшалари ҳисобланади. Ер юзида бу жойларни бир бор кўришга муштоқ кишилар кўп. Уни кўролмай дунёдан кўз юмганлар қанча. Юрт тупроғининг ҳар бир қаричини қадрлаш лозим.

...Машина енгил чайқалиб борар, ойнадан уфураётган салқин шабада кўнглимга ажиб бир кўтаринкилик, улуғворлик бағишларди.

Мамлакат НОРМУРОДОВА

ҲАЁТИЙ ҲИКОЯ

ФАРИШТАЛИ МОМО

Момо пастга тушиб, митти томорқасидан хабар олиб чиққунича, келини унинг кийимларини кўнгилдагидай дазмоллаб қўяди, чой дамлаб, лаззатли пиширириқлар пиширириб беради. Қайнонаси ҳам уйим-жойим дейдиган рўзғорбоп момода. Баъзан чарчаб, энди

учинчи қаватга чиқиб олдим деганда, пастдан "тарс-турс" этган тўп овозлари эшитилиб қолади. Шунда момо дераздан:

— Ҳой, менинг ёшимга киргурлар! Коптокни бошқа жойда ўйнасаларинг бўлмайдими? — деб жавраб қолади.

— Бошқа жойда кўм-кўк чим йўқ-да! — дейишади болалар ҳам тап тортмай.

— Бу ерга ҳар хил кўчатлардан экканман. Шулар мева берса, ўзларинг териб ейсанлар, икки-уч йил сабр қилинглар!

Бир куни момо болаларга раҳми келиб, маҳалла фуқаролар йиғини раисининг қабулига борди:

— Болаларга шу атрофда улар ўйнайдиган жой қилиб беринглар. У ерда нима ўйнашса ўйнашсин, лекин мен экқан дарахтларга тегишмасин.

Момонинг бу ишидан хабар топган болалар уни аввалгидан-да кўпроқ яхши кўриб қолишди. Кўп ўтмай ўйин майдончаси ҳам битди. Лекин болаларни барибир чимли жойдан ҳайдаб бўлмади. Уч-тўрт йилда дарахтлар ҳосилга кирди, ўтўланлар, гул-райҳонлар ўсиб, кўп қаватли уйнинг атрофи чинакам чаманга айланди. Кўклам кунларининг бирида Москвадаги келини қўнғироқ қилиб қолди:

— Эна, ҳаммаларингиз соғ-саломатмисизлар? Илмий ишларим ҳам яхши кетаяпти, — деди-да, бир зум тўхтаб, сўради: — Тошкентда ҳеч қайси мева пишмадими? Москвада ҳар хил мева-чевалар кўп-у, лекин таъми ўзимизникига тенг келмайди-да...

Момонинг тинчи бузилди, уйда у ёқдан-бу ёққа бетоқат юриб қолди. "Йигирма кун қачон ўтади? Унгача болаларим мевaларга интиқ бўлиб ўтиравершадими?"

У бирдан сергакланди. Келинига буюрди:

— Келинг, дарров пастга тушинг-да, жағ-жағлардан, исмалоқлардан териб чиқинг. Кўк сомса қиламиз.

Ҳовлида гуллаб, барг ёзаётган дарахтлар тагидан кўкламги шифобахш ўтларни тераётган келинига қараб, қайнона ич-ичидан суюнди. Чолига:

— Келинингизни Бахтигул деб чақирсак ҳам бўлаверади. Кийимларининг ярашганини айтмайсизми! Ўзиям уйдаги ҳамма ишни билиб қилаверади барака топкур. "Яхши жойга қиз берсанг, келин бўлар, ёмон жойга қиз берсанг, келисоп бўлар", — деб кексалар бекорга айтишмаган-да.

У чолига яна гап қотди.

— Москвадаги болаларимиз янги мевaларни жуда соғинишибди. Шу бугун уларга мева жўнатмасак бўлмайди.

Момо кўк сомса пираётган келинига ёрдамлашди. Бу орада пастга тушса, ўрик дарахти тагида қўшнисининг Раҳматилла деган ширингина боласи турибди. Икки кўзи баландда, энди чигитдан каттароқ бўлиб қолган довчаларга қараб-қараб қўяди. У момони кўриши билан қочмоқчи бўлганди, кампир: "Айналай, шу дарахтнинг устига чиқиб, довчалардан икки чўнтагингни тўлдириб туш", — деб қолди. Раҳматилла ҳайрон. Ахир, шу кампирнинг ўзи кечагина "Ўрик пишгунча қўясанларми-йўқми? Пишса, ўзларинг ейсанлар", — деб ҳайдаган эди-да. Раҳматилла зип этиб, ўрикка чиқди-ю, икки чўнтагини ғўрага тўлдириб тушди.

— Бир қисмини ўзингга оп қол, бу ёғини менга бер. Лекин сенга довча берганимни бирор болага айта кўрма, эшитдингми? – дея момо уйига чиқиб кетди. Шу пайт чоли ҳам бозор қилиб, ҳам самолётнинг қачон учишини аниқлаб келди. Икки ярим соатгина вақт қолибди. Момо кеча қишлоқдаги катта келини жўнатиб юборган сумалакдан банкага солди, кейин уни докага ўраб, қутига жойлаштирди. Банканинг ёнига чоли олиб келган кўкатларни ҳам тахлади. Қутининг энг устига келини пиширган кўк сомса ва ток баргидан тизилган емакни жойлади. Бир бурчакдан зирага ҳам жой топилди. Момо бечора ҳали мевалар пишмаган бўлса ҳам, ҳарқалай мана бу совғани мусофир юртдаги болаларига жўнатаётганидан ўзида йўқ хурсанд эди. У чолини аэропортга жўнатаётиб қайта-қайта эти[illegible]айнлади:

— Москвага учаётганлардан ишончлисини топинг. Қутини авайлаб қўлида ушлаб кетсин. Аввал ҳақини беринг. Отини сўраб, сўнг дарров ўғлингизга телефон қилинг. Аэропортга кечикмай чиқсин. Узуммаржонни паловнинг тагига солиб пиширсин...

Кеч кирганда момо югуриб-елиб ўтказган яна бир кунига шукрона келтирди. Ўзидан, келинларидан кўнгли тўлиб, ҳаммасини дуо қилди. Уйқу олдидан "Болажонларимнинг ризқ-насибаси самолётда учиб ке-етди", — дея кўнглидан ўтказди-ю, [illegible]ди. У яқин орада ўзини бўнчалар хотиржам сезмаган эди.

Сайёра БЕКМИРЗАЕВА

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» банки (ОАЖ)

Сизларга қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР.

«ХОТИРА»

Сақланиш муддати — **1 йил,**

омонат бўйича йиллик **25%** ҳисобланади.

Ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат ёпилгандан (1 йилдан) сўнг берилади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР.

«ЦЕЛЕВОЙ»

АҚШ долларида.

Сақланиш муддати — **5 йил,**

омонат бўйича йиллик **7%** ҳисобланади.

Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилгандан (5 йилдан) сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун: «Асака» банки (ОАЖ) филиаллари телефонлари:

120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	8 371	120-83-13
Автотранспорт филиали	8 371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	8 371	140-39-36
Юнусобод филиали	8 371	225-16-46
Сирғали филиали	8 371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	8 371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	8 374	224-40-96
Асака филиали	8 374	233-13-69
Фарҳод филиали	8 374	229-97-53
Фарғона вилоят филиали	8 373	224-70-83
Марғилон филиали	8 373	237-12-37
Олтиариқ филиали	8 373	432-10-11
Қўқон филиали	8 373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	8 369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	8 436	223-54-32
Зарафшон филиали	8 436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	8 365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	8 365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	8 366	231-08-86
Афросиёб филиали	8 366	234-17-96
Қашқадарё вилоят филиали.	8 375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	8 376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	8 361	223-72-47
Хоразм вилоят филиали	8 362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	8 367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	8 372	226-43-11

«Асака» банки (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

- **солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!**
- **маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!**
- **эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!**
- **миқдори чекланмаган!**

Хизматлар лицензияланган.

МЕРОС

Табибийнинг ижод йўли

Биз юксак тафаккур эгаси бўлган кўплаб аждодларимизнинг илмий-ижодий мероси билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Инчунун, Ватанимизнинг ҳар бир воҳаси тарихига назар ташлар эканмиз, у ерларда яшаб ўтган буюк сиймоларнинг ҳаёти ва фаолиятидан воқиф бўламиз. Чунончи, Хоразм адабий муҳити ҳам кўп асрлик адабиётимизнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Бу ҳудудда, хусусан, XIX асрда Муҳаммад Раҳимхон II — Феруз (1844-1910) даврида шаклланган ва тараққий этган ўзига хос адабий мактаб вакиллари мумтоз адабиётимизнинг такомилига ҳамда XX аср бошидаги янги адабиётнинг туғилишига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Бугунгача Феруз ҳомийлигида ижод қилган қирққа яқин бадиий ижод намояндаларнинг меросини ўрганишда муайян ишлар қилинган. Бироқ бу соҳадаги изланишлар, асосан, Огаҳий, Баёний, Табибий, Аваз Ўтар ижодининг айрим қирраларига бағишланган бўлиб, булар умумий мерос ҳажмининг бешдан бир қисмини ҳам ташкил этмайди. Иккинчидан, бу тадқиқотларнинг бир қисми ўтган асрнинг 70-80 йилларига тўғри келгани боис уларда собиқ тузум мафкурасининг таъсири ҳам мавжуд. Учинчидан, «сарой адабиёти» тушунчасини салбий маънода англаш натижасида шоҳ буйруғи билан яратилган баёз, мажмуалар, шунингдек, Султоний, Мирзо, Саъдий, Девоний, Ниёзий каби ўнлаб етук ижодкорларнинг асарлари кўп вақтгача адабиётшунослар эътиборидан четда қолиб келди. Бунда уларни анъана доирасидан чиқа олмаган ижодкорлар сифатида баҳолаш фикри устувор эди.

Феруз даври адабий муҳитининг пешқадам вакилларидан бири Аҳмад Табибий (1869-1911) ижодига муносабатда ҳам юқоридаги қарашлар ифодасини кўриш мумкин. Ваҳоланки, Табибий ўзининг кўп қиррали ва сермаҳсул ижоди, қизиқиш доирасининг кенглиги билан ажралиб туради. Буни аввало, унинг замондошлари эътироф этганлар. Таниқли тарихчи ва шоир Баёний "Шажараи Хоразмшоҳий" (Т.1991 й.) асарида Табибийни «Табибийки шоири муҳтарам», «Маорифда бордур бағоят ориф», «Пур ойинадур сўзлари сарбасар» дея юқори баҳоласа, Ҳасанмуродқори Лафасий «Тазкираи шуаро»сида (Урганч. 1992 й.) «Ферузнинг фармони билан Аҳмаджон дағи Табибий таҳаллуси билан шеър машқин қилиб, анча баётлар ёзиб... тўрт мужаллад (жилд — Ҳ.А) девон асар тасниф қиладур» деб эътироф этади. Бобожон Тарроҳ — Ходим эса «Хоразм навозандалари» (Т.1994 й.) эсдаликларида Табибийнинг беш илмни яхши билганини қайд қилади: яхши шоир ва тазкирачи, табиб, хушхат ҳаттот ва нота билимдони.

Табибий ижодига илмий маърифий қизиқиш 1908 йилдан бошланиб, ҳозиргача давом этмоқда. Бу жараёндаги изланишлар икки йўналишда намоён бўлди. Биринчиси — шоир шахсияти ва ижоди тўғрисидаги фикрлар бўлиб, унга А.Самойлович, Ғ.Каримов, М.Юнусов, Б.Қосимов, Ё.Исҳоқов, Б.Валихўжаев, Н.Жумахўжа, Н.Қобулов, Ю.Юсупов, Д.Раҳимов, Ш.Матрасулов, Б.Исмоиловаларнинг турли даврларда билдирган оммабоп фикрларини киритиш мумкин.

Иккинчиси шоир ҳаёти, фаолияти ва адабий меросини махсус ўрганишга оид тадқиқотлардир. Бу йўналиш ўтган асрнинг 60-йиллари охирида Ф.Ғанихўжаевнинг изланишлари билан бошланди. У 1969 йилда «Аҳмаджон Табибийнинг ҳаёти ва ижоди» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Шу асосда шоир сайланмаси ва «Табибий» (1978 й.) монографиясини, қатор мақолаларни чоп эттирди. Булар шоир ҳақидаги илк жиддий тадқиқот сифатида танилди.



Шу билан бирга бу тадқиқотлар шоирнинг бутун меросига умумий қараш тарзида бўлиб, ўша давр талабига кўра, мавзу ва ғоя таҳлилига эътибор қаратилди. Зеро, ижодининг барча қирраларини бир диссертация доирасида батафсил ёритишнинг имкони ҳам йўқ эди.

Бу йўналишнинг мустақиллик давридаги намунаси С.Маткаримованинг Табибийнинг «Мажмуа си шуарои пайрави Ферузшоҳий» тазкираси асосидаги номзодлик диссертацияси (2007 й.) бўлди. Муаллиф бу асарни илк марта монографик тарзда қиёсий-тарихий методда батафсил тадқиқ этди.

Айтиш керакки, ижодкорнинг улкан мероси намуналари ҳозир ҳам илмий фондлар ва адабиёт мухлислари бисотида мавжуд бўлиб, ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида Табибий қаламига мансуб 11 асарнинг 32 та қўлёзма нусхалари сақланмоқда. Бу мероснинг умумий салмоғи ҳақидаги гапни Табибийнинг ўз эътирофидан бошласак: «Бу фақир қўлида жам бўлғон китобнинг сони беш девондур. Аларнинг учтаси туркий ва иккитаси форсийдадир. Биринчисини адолатли шоҳга ҳадя қилиш сабабидин «Туҳфат ус султон» деб атадим, иккинчи девонға ошиқлар унсияти сабабли «Мунис ул ушшоқ» номи берилди. Учинчисиға фақат ишқ ҳолатларидан гапирилган важидин «Миръотул ишқ» деб ном қўйдим. Тўртинчи девонға ошиқлар ўқиб ҳайрон бўлсунлар деб «Ҳайротул ошиқийн» деб ном берилди. Бешинчиси бедиллар иштиёқи жилвагоҳи бўлғони сабабидин «Мазҳар ул иштиёқ» деб аталди».

Ҳар бири 204 дан 550 саҳифагача бўлган катта ҳажмли ва икки тилдаги бу девонлар 1908-1910 йилларда тузилган бўлиб, шоирнинг аввалги тўпламларидаги шеърларини ҳам қамраб олган ва мумтоз лириканинг саккиз жанрида яратилган. Улар асосини тахминан 1500 га яқин ғазалдан ташқари 518 та мухаммас ташкил этадики, бунчалик кўп бешлик бошқа ўзбек ижодкори бисотида учрамайди. Қолаверса, Табибий ижодининг асосий жиҳатлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Шоир поэтик тафаккурининг бир қисми лиро-эпик асарлардан иборат. Булардан биринчиси 16200 мисрадан ташкил топган ишқий-қаҳрамонлик достони «Вомиқ ва Азро», иккинчиси «Етти равза» ахлоқий-таълимий достонидир. Турли мавзу ва услубда битилган бу асарлар муаллиф бадиий мушоҳадасининг янги қирраларини ёрқин акс эттиради.

Муаллифнинг буюк озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулий қаламига мансуб «Ҳафт жом» («Етти жом») достонини форсчадан ўзбек тилига таржима қилиши унинг ижодий фаолиятини янги йўналиш билан бойитди ва шоир бадиий таржиманинг ўзига хос ижодий фаолият эканини яна бир бор исботлади.

«Мажмуа си шуарои пайрави Ферузшоҳий» ва «Муҳаммасоти мажмуатуш шуарои Ферузшоҳий» Табибий меросининг салмоқли қисмини эгаллайди. Кўп асрлик тазкирачилик анъанасининг XX аср бошидаги янги намунаси, ғазал ва мухаммасга асосланган пайровчилик шаклидир.

Табибийнинг «Таворихи хонин» тарихий асари эса уни Мунис ва Огаҳий анъаналарининг давомчиси, етук тарихнавис сифатида эътироф этишга асос бўла оладиган манбадир.

Назаримизда жанр, мавзу, ҳажм ва талқин услубига кўра бу салмоқдор қўлёзма ва тошбосма асарлар бугунги тадқиқотчиларга маънавий-адабий мерос сифатида қуйидаги йўналишлар бўйича бой манба бўла олади: аввало, Табибийнинг зуллисонайн шоир сифатида танитувчи девонларини чуқур ўрганиш, матний таҳлил асосида муаллифнинг ҳар иккала тилдаги поэтик ўзига хослигини, XIX аср охири ва XX аср боши маданиятидаги ўрнини баҳолаш лозим. Қолаверса, «Вомиқ ва Азро» достонини монографик тарзда тадқиқ этиш йўли орқали муаллифнинг Шарқ халқлари оғзаки ҳамда ёзма адабиётидаги лиро-эпик анъаналарга ижодий муносабатини, уларни давр руҳи ва янгича қарашлар билан бойитишдаги истеъдодини кўрсатиш ҳамда Хоразмда XVIII асрдан бери яратилмаган достончиликни тиклаш ва такомиллаштиришдаги ўрнини таъкидлашнинг ўзи бир неча илмий ишларга яхши мавзу бўлади.

Фузулийнинг «Етти жом» достони таржимасида Табибийнинг матнга 14 ҳикоят қўшиб ижодий ёндашиши, асар ижтимоий-бадиий қимматини ошириш ҳамда ўзбек адабиётини яна бир мукаммал дидактик асар билан бойитишдаги ҳиссасини ёритиш ҳам муҳим.

Яна бир гап. Табибий тазкира мажмуаларининг танқидий-матний нашрини амалга ошириш икки жиҳатдан қўл келади: биринчиси — шоир асарлари мазмунидан муаллифнинг шеър, шоирлик ва жанрлар ҳақидаги адабий қарашлари билан танишиш мумкин. Шунингдек, саройда уюшган адабий муҳитни ташкил этишдаги фаоллиги, мусиқа санъати ва китобат амалиётини такомиллаштиришдаги хизматлари, хусусан, унинг тимсолида янги адабий даврнинг бошланишини кўриш масаласига эътибор қаратиш ҳам Табибий шахсияти ва ижодий диалектикасини янада ойдинлаштириш имкониятини кенгайтиради.

Биз ҳозирча Табибийнинг айрим асарлари ҳақида қисқа маълумотлар орқали қисман ва тазкирачи сифатида биламиз. Зуллисонайн, истеъдодли шоир, моҳир таржимон, йирик достоннавис, анъана ва новаторлик уйғунлигининг соҳиби, сермаҳсул ижодкор — Табибийнинг мукаммал ижодий қиёфасини кашф этиш вақти аллақачон келган.

Ҳамдам АБДУЛЛАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор

ЭҲТИРОМ



Матёқуб ака ҳақида бирор нарса ёзиш жуда мушкул. Ҳаяжонланасан. Гўё домланинг ўзлари ёзганларингни бир-бир кўздан кечириб тургандек, олимнинг салобати босади.

2001 йил эди. Олий адабиёт курсига кириб ўқишни хоҳлайдиган, менга ўхшаган «ёш шоир»лар жуда кўп бўлиб, уларнинг аксарияти қабул комиссиясига ҳужжатларини топшириб бўлган экан. Ҳужжатлардан бири сифатида бирор етук мутахассиснинг тавсияномаси бўлиши лозим эди.

ТУЙҒУЛАРНИ САЙҚАЛЛАГАН ЛАҲЗАЛАР

Матёқуб Қўшжоновнинг тавсияномалари Олий адабиёт курсига қабул қилинишимга йўлланма бўла оларди. Бир кун ичида бу қоғозни топиб келмасам, ўқишга киролмаслигим тайин. Жуда бетоқат бўлиб, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтига бордим. Бир пайт даҳлизда ФА академиги Матёқуб Қўшжонов кўриндилар. У киши билан ҳаяжонланиб кўришдим ва бу ерга келишим сабабини айтдим. Домла бироз тин олдилар. Сўнг хонага кирдик. Пешонамдан муздай тер чиқди. Кейин: «Қани, қўлингизга қалам олинг», — деб менга тавсиянома жумлаларини айтиб, ёздира бошлади. (Ўша пайтларда мен домланинг кўзлари яхши кўрмай қолганини билмас эдим). Ёзганларимни котиба қизга олиб бориб бердим. Домла уни менга яна бир бора ўқитиб, имзо чекдилар. Матёқуб ака ўшанда, «Олий адабиёт курсида ўқишга лойиқ ёки нолойиқ эканингизни вақт кўрсатади», — деган эди.

Домла Олий адабиёт курсидаги ўқув жараёнларини қизиқиш билан кузатарди. Табиатан камгап бўлишларига қарамасдан курсимизга тез-тез қўнғироқ қилиб, узоқ гаплашар, дарслар қандай ўтилаётгани ҳақида сўраб-суриштириб, бу борада фикр-мулоҳазаларини билдирарди.

— Матёқуб Қўшжонов сизни телефонга чақираяптилар, дейишса, олдинлари ҳаяжонланардим. Кейинчалик у киши мен билан бир дўст каби самимий гаплашаётганларини фаҳмлаб етдим.

Домланинг уйлари Ўзбекистон Миллий университетга яқин мавзеда жойлашган эди. Мен уларникига борганимда, мазали таомлар билан меҳмон қиларди. Айниқса, тут пишган пайтида борганларим ҳеч эсимдан чиқмайди. Домланинг ҳовлисида ҳайбатли тут дарахти бўлиб, тагига оқ сурп тортилган эди. Унга тўкилган тутларни бемалол сиқимлаб олиб ейиш мумкин эди.

Тутхўрликдан сўнг домла билан ишлашга шўнғирдик. Домла ёзиладиган жумлаларни келишимдан олдин хотираларида пишитиб олсалар керак. Бироқ бу қадар катта ҳажмдаги матнларни бир маромда қоғозга туширишига ақлим бовар қилмас эди. Баъзан «Даврон, олдинги гапга қайтамиз», — деб қайта ўқитиб кўрарди. «Бу ерга вергул қўйдингми?" — деганларидан сўнг матнни яна қайта текшириб чиқардим. Мен ўшанда баён ёзиш ва унинг услуби нима эканини амалда ўрганиб олаётганимни ҳатто сезмаганман. Бу ёзаётганимиз домланинг «Армон» номли китобидан парчалар эди. Бугун ушбу асарни ёзиш жараёнида мен домлага эмас, ўзимга ёрдам берганимни англагандайман.

Домла ҳаётликларида иккинчи жаҳон урушида снайпер бўлгани ҳақидаги суҳбатимиз босилган журнални олиб бориб бердим. Негадир Матёқуб ака билан яна янги-янги ижодий режалар ҳақида суҳбатлашгим келаверар эди. Ҳозир шуларни эсласам, кўнглим аллақандай беҳузур бўлиб кетади. У киши доим шеърми, ҳикоями ёзиб, уларни матбуотда эълон қилиб боришимни тавсия этарди. "Ёзганларинг матбуотда чиқсагина пишийсан", — деганлари ҳеч ёдимдан чиқмайди. Мен домла билан бўлган суҳбатларимизни ҳамиша эслайман, у кишининг қисқа ва нишонга аниқ тегадиган сўзларини ҳеч унутмайман. Назаримда, ўша суҳбатларимиз менинг туйғуларимни сайқаллаб туради.

Даврон РАЖАБ,
шоир

МУЛОҲАЗА

БОЛА ТАРБИЯСИ УЧУН КИМ МАСЪУЛ?

Мамлакатимизда баркамол авлод, келажагимизнинг муносиб ворисларини тарбиялаш борасида кўп хайрли ишлар амалга оширилаётгани диққатга сазовордир. Биргина "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида болалар спортини ривожлантириш мақсадида ўтказилаётган мусобақалар, бунёд этилаётган иншоотлар ёки аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган барча эзгу мақсадлар фарзандларимизнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол авлод бўлиб камол топишлари учун хизмат қилмоқда.

Аммо бола тарбияси учун фақат мактаб, спорт мураббийлари, маънавият муассасаларининг раҳбарлари масъулми? Бутун бир мамлакат, миллат келажаги билан боғлиқ бўлган боланинг тарбияси ва илм олиши йўлида ота-онанинг ўрни қай даражада? Бу мавзуда мулоҳаза юритишим учун бир-икки нохуш ҳолатлар сабаб бўлди.

Тахминан, бундан икки ҳафта олдин Тошкентдаги катта сув бўйида жойлашган қаҳвахоналардан бирида улфатлар билан ўтирган эдик. Соат чамаси 21.30. Мусиқанинг баланд овози, қаҳвахонадаги сарҳуш меҳмонларнинг шовқинсурони суҳбатимизга бироз халақит берди. Катта ёшдагилар орасида ҳали мактаб ёшига етмаган болалар ҳам бор эди. Уларнинг бири тахминан, икки ёшли қизалоқ бўлиб, гоҳ ҳар хил мусиқа остида ўзича рақс тушар, гоҳ улфатлари билан чақ-чақлашиб ўтирган ота-онасининг олдига югуриб борарди. Яъни бола ўзи билан ўзи овора эди. Бола столлар атрофидаги темирли тўсиққа суяниб турганди. Бирдан одамлар безовталанди. Ота-онаси эса суҳбатлашиб ўтирибди. Бола эса аллақачон сувга тушиб кетганди. Хайрият, унинг бахтига қўшни столда Олимжон исмли йигит ўтирган экан. У ўз жонини хавф остига қўйиб, сувга отилди ва орадан ўн беш-йигирма сония ўтмасдан чўкаётган болани ажал комидан олиб чиқди. Ҳамма ҳайратда... Аммо қизалоқнинг ота-онаси гўёки оддий воқеа юз бергандай хотиржам болани қўлларига олди. Агар Олимжон бўлмаганида, қандай фожиалар юз беришини ким биларди, дейсиз. Шу ўринда биз ҳам ўзимизни бу воқеага дахлдор сезиб, виждонимиз қийналди.

Яна бир дўстимизнинг туғилган кунини нишонлаяпмиз. Бу ердагиларнинг деярли ҳаммаси касбдошларимиз эди. Даврамизга ўтириш сабабчиси бўлган дўстимизнинг тадбиркор қўшниси ҳам қўшилди. Суҳбат мавзуси секин мактаб, оила ва бола тарбиясига кўчди. Бозорларда бир неча дўкони, турли русумдаги автомобиллари, шунингдек, ҳашаматли уйлари борлигини мақтаниб гапирган бир тадбиркор фарзандининг кундалигини умуман қўлга олмаганини айтиб қолди.

— Фарзандингиз мактабда қандай ўқиётгани билан нега қизиқмайсиз, — деб сўрадик меҳмондан.

— Мактаб ишлари билан онаси шуғулланади. Меҳнат тақсимоти-да! Кейин, мен лотин тилини тушунмасам...

— Лотин тили эмас, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси денг, — деди суҳбатдошларимиздан бири...

Эртага ўрта таълим муассасаларида, айрим ривожланган мамлакатлардагидек кундалик ўрнига «Электрон кундалик», яъни электрон почта жорий қилинса, бу пулдор тадбиркоримиз фарзандлари ўқишидан қандай воқиф бўларкин? Ота-она таълим ва тарбия борасида замон билан ҳамнафас бўлиши керак эмасми? Фарзандларимиз, дейлик, 6-7 соат мактабда бўлади, мактабдан кейин унинг тарбияси ёки таълими учун яна мактаб масъулми? Ота-онанинг ўрни қаерда қолди? Токи ота-она фарзандининг нафақат тарбияси, балки таълими билан ҳам қизиқмас экан, кўзда тутилган натижаларга эришиш мушкул.

Президентимиз таъбири билан айтганда, *«Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси»*.

Сўнгги йилларда деярли барча оммавий ахборот воситаларида болаларимиз маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи компьютер ўйинлари, чет эллардан олиб келинган «оммавий маданият» намуналари бўлмиш турли дисклар ҳақида туркум мақолалар, мутахассисларнинг баҳс-мунозара, суҳбатлари чоп этилмоқда.

2010 йили республикамизда «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши ёш авлод тарбиясига давлатимиз ҳамиша устувор аҳамият бериб келаётганидан далолатдир. Жорий йилнинг 17 майидан кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунга мувофиқ ушбу кодекс "Вояга етмаган шахснинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишга йўл қўйиш" деб номланган 188[2]— модда билан тўлдирилди. Унда: *"Ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёки бошқа кўнгил очиш (дам олиш) жойларининг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул шахслар томонидан вояга етмаган шахснинг тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз кўрсатилган муассасаларда бўлишига йўл қўйиш энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»*, — дея таъкидланган.

Ўйлаймизки, киритилган ушбу тўлдириш айни муддао бўлди. Бу вояга етмаганлар томонидан ғайриижтимоий ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш борасида муҳим қадам ҳисобланади. Лекин масаланинг нафақат ҳуқуқий, балки маънавий-ахлоқий томони ҳам бор. Бу энг аввало, ота-онанинг фарзанд тарбияси учун жамият олдидаги бурчи ва масъулиятини англаш билан боғлиқ жиҳат. Бу жараёнда, албатта, маҳалла, мактаб, жамоатчилик, бошқа институтлар фаол қатнашиши лозим.

Шоқаҳҳор САЛИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

МАДАНИЯТ

СУҲБАТ

Ижод — ҳамкорлик маҳсули

Ўзбек қўшиқчилигининг, мусиқа санъатининг шундай дарғалари борки, улар санъатимиз равнақи учун серқирра истеъдодини, юксак маҳоратини, бағрикенг устозлик фаолиятини уйғунлаштирган ҳолда шогирдларига бахшида этадилар. Ўзбекистон халқ ҳофизи Ороломирзо Сафаров ҳам шундай фидойи, меҳнатсевар ижодкорлардан бири. Бу зукко инсон билан мулоқотимиз ҳам миллий мусиқамиз ва санъатимизнинг ривожланиш тамойиллари, айрим муаммолари хусусида бўлди.



— Матн, мусиқа ҳамда ижро уйғунлиги жой-жойига тушгандагина яхши қўшиқ яратилиши айни ҳақиқат. Кўпдан бери ўзбек мусиқа оламида ҳам профессионал ижрочи, ҳам бастакор-педагог сифатида фаолият кўрсатиб келаётган мутахассис сифатида ҳозирги қўшиқларда шундай уйғунликни мавжуд дея оласизми?

— Бор-у, аммо... жуда кам. Фикримча ҳозирги пайтда матн, мусиқа ҳамда ижро уйғунлигида анчайин шикасталик бор. Айни пайтда устоз кўрмаган ёки созандалик мактабини ўтамаган ҳаваскорлар, савияси ҳаминқадар бўлган бастакорлар, созандалар-у, хонандалар кўпайиб кетди. Бу тўғрида оммавий ахборот воситалари, давлат ҳамда хусусий телерадиоканалларда кўп гапирилмоқда. Лекин уларнинг амалий таъсири, самараси анча камдай, назаримда.

Ижро, мусиқа ва матннинг бир-бирига уйғунлигини таъминлаш учун, аввало, қўшиқнинг яратилишига дахлдор ҳар учала инсон ҳам ўз соҳасининг билимдони, бадиий адабиётдан, миллат тарихидан, ўзбек қўшиқчилик санъатининг кечаги куни ва бугунидан яхшигина хабардор бўлишлари шарт. Ана шу қоидага амал қилинганда матни анча пишиқ, мазмун-моҳияти чиройли қўшиқлар яратилганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

— Ўзбек қўшиқчилик санъатида саҳна муқаддас жой ҳисобланади. Шундай экан, унга иқтидорли-ю, иқтидорсиз ижрочиларнинг чиқарилишига нима дейсиз?

— Ҳозирда иқтидорли санъаткорлардан кўра санъатни тирикчилик манбаи деб қабул қилган уқувсиз-у, ўқувсиз ёшлар кўпайиб кетди. Бунга бугунги техника тараққиётидан фойдаланиб, компьютер ёрдамида қўшиқлар яратиб, мухлисларга тақдим этаётган хонандалар мисол. Маълум вақт бор-йўғи тенгдошлари орасидагина хит даражасига чиққан қўшиқлар 1-2 йилдан кейин унутилаётганини ҳам эшитиб-билиб турибмиз. Энг ачинарлиси, узоқ яшайдиган қўшиқлар, ҳақиқий санъат дурдонаси сифатида улуғлашга арзийдиган ашулалар кам яратилмоқда.

— Айрим хонандаларнинг, одамлар назаридан қолмаслик учун ҳар хил рекламалардан, ҳатто миш-мишлардан ҳам фойдаланишаётганига нима дейсиз?

— Ўзининг қадрини билган санъаткор учун бундай рекламалар асло керак эмас. Зеро, турли нодавлат оммавий ахборот воситалари ёки хусусий газеталар орқали ўзи ҳақидаги бўлар-бўлмас воқеаларни шов-шув қилдириш, санъаткорнинг нуфузини оширадиган омил эмас. Бундай ҳаракатлар уларга тўй, маросимга чақирилишида вақтинча фойда келтириши мумкин. Лекин эсли-ҳушли одамлар ўртасида ўзига нисбатан ҳурматсизлик уйғонишига сабаб бўлиш эҳтимоли кўпроқ.

— Реклама санъаткорнинг даражасини оширмайдими?

— Бу борада ҳам профессионал ёндашув, очиқ-ороғи, савод керак. Тўғри, бу масала чет элларда жуда ривожланган. Фақат унутмаслик жоизки, хорижлик журналистлар керакли ахборотни қачон, қаердан олишни ҳамда уни қайси пайтда оммага етказишни билишади. Афсуски, бизда бу соҳада журналистлар маҳорати кам. Ҳатто ўзини журналист ҳисобловчи айрим қаламкашларнинг шов-шув қилиш ниятида қош қўяман деб кўз чиқарган пайтлари ҳам бўлди. Вақти-соати келиб, бизда ҳам профессионал савия юксалишига умид қиламиз, албатта.

— Келинг, энди ижодий фаолиятингиз хусусида гаплашайлик. Озодбек Назарбеков билан дуэтингиз мухлислар эътиборини қозонди...

Неъматларнинг энг яхшиси ҳаловатдир,
Гар нолисак, бу худога маломатдир.
Тирикликнинг ўзи ҳам зўр мукофотдир
Гар нолисак, бу худога маломатдир...

2009 йил 18 февраль куни Озодбек билан дардлашгим келганидан унинг уйига бордим. Ижодхонасида икки соатча суҳбатлашиб ўтирдик. Суҳбат орасида шу ғояси ҳақида гапириб қолди. Дуэт қўшиқни иккимиз яратишга уриниб кўрдик, аммо турли тадбирлар-у, маросимлар туфайли бу қўшиқ устида анча пайт ишлай олмадик. Ниҳоят, қўқонлик шоир Ботиржон Эргашев қўшиқнинг матнини ёзиб берди, мусиқасини Мусахон Нурматов, Нодирбек Умаровлар сайқаллашди. Қўшиқ аввалидаги кириш сўзи «Жаннатмакон» журнали бош муҳаррири Ирода Дадажонова томонидан ёзилди. Матн, мусиқа, ижро узукка кўз қўйгандек мос бўлди. Шунинг учун бу ижромиз халқимизнинг севимли қўшиғига айланди.

— Кимларни устозларингиз сифатида эътироф этиб ўтишни истардингиз?

— Оиламизда санъатга, адабиётга меҳр ва ихлос жуда кучли бўлган. Отам Абдуманнон Сафаров (жойлари жаннатда бўлсин) адабиёт ўқитувчиси эди. Менинг қўлимга рубоб ушлатиб, санъат нима эканини тушунтирган падари бузрукворимни биринчи устозим дейишим даркор. Яна бир устозим — санъат сир-асрорларини ўргатган онажоним Мастурахон аядир. Акам Абдухалил Абдуманнонович ҳам устозим деб биламан.

Ёшлигимдан халқ ҳофизларининг қўшиқларини айтиб катта бўлганман. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Баҳрулло Лутфуллаев, Жўра Шукуров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Раҳматжон Турсунов каби инсонларга шогирд эканимдан бахтиёрман.

1988 йилдан Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида таҳсил ола бошладим. Мана, 22 йилдирки, умрим шу даргоҳда ўтаяпти. Институтимиз ректори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Азиз Тўраевни устозим, раҳбарим сифатида ғоят ҳурмат қиламан.

— Ижодий ҳамкорликда ҳикмат кўп. Қайси шоирлар-у, бастакорлар, хонандалар билан ишлаб келмоқдасиз?

— Бадиий адабиёт намуналарини танлаб мутолаа қилиш севимли машғулотим. Айниқса, мумтоз шоирларнинг китобларини севиб ўқийман. Ҳозирда Сирожиддин Саййид, Нуриддин Аминжонов, Эркин Воҳидов, Жуманиёз Жабборов, Абдукарим Жумабоев, Қобил Мирзо каби замондош шоирларнинг китоблари столим устида.

Мусиқа йўналишида эса ёшларимизнинг севимли бастакори Мусахон Нурматов, шунингдек, ҳам замонавий, ҳам миллий йўналишда санъатни жуда нозик тушунадиган Нодирбек Умаров билан ижодий ҳамкорликни теранроқ давом эттириш ниятларим бор.

— Мухлисларингизга тилакларингиз...

— «Ҳуррият» газетаси минбаридан фойдаланиб шуни айтаманки, Аллоҳ юртимизни ёмон кўзлардан асрасин. Тинчлигимиз барқарор бўлсин!. Жамики санъат соҳасида ижод қилаётганларнинг йўллари ойдин бўлсин. Уларнинг ҳаммаси меҳнатларига яраша эзгу орзуларининг рўёбини кўришсин.

Давлатимиз раҳбарининг юртни обод қилиш учун бу мамлакатда яшаб, ижод қилаётганларни қўллаб-қувватлашаётганларини ҳар тарафлама рағбатлантираётганларини ҳис этиб турибмиз. Бунинг исботи сифатида 2000 йилда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист", 2009 йилда "Ўзбекистон халқ ҳофизи" деган юксак унвонга муносиб топилганимни таъкидлашим ўринли. Демак, бугун изланган инсон ардоқланадиган замон. Шундай экан, Ватанимиз истиқболи бўлмиш ёш йигит-қизлар хайрли, хосиятли ишларга дадил киришишларини истардим.

Дурдона ХЎЖАЕВА,
Тошкент давлат маданият институти талабаси

СПОРТ

"УНИВЕРСИАДА — 2010"

Бир неча кундан сўнг Андижон вилоятида олий ўқув юртлари талабалари ўртасида "Универсиада — 2010" мусобақалари бошланади.



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларни спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун зарур шарт-шароит яратиш, иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилмоқда.

Андижонда бўладиган беллашувларда дзюдо бўйича Пекин Олимпиадаси совриндори Ришод Собиров, кураш бўйича икки карра жаҳон чемпиони, жанговар яккакурашлар бўйича I Осиё ўйинлари ғолиби Шерали Жўраев, белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпиони Темур Шокиржонов, енгил атлетикадан Ёпиқ иншоотлардаги III Осиё ўйинлари олтин медали совриндори Надежда Дусанова каби кўплаб йигит-қизлар иштирок этишади.

— Ўзбекистонлик ҳар бир спортчи учун "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада каби мусобақаларнинг аҳамияти беқиёс, — дейди Олимпиада ўйинлари совриндори Ришод Собиров. — Чунки бу тизим тенгдошларимизга ҳаётда ўз ўрнини топишида, ўқувчи-талабалар ўртасида аҳилликни мустаҳкамлаш, истеъдодларни кашф этишда муҳим омил бўлмоқда.

Бу йилги мусобақада қатнашадиган терма жамоа аъзолари орасида спортдаги фаолиятини энди бошлаётган истеъдод эгалари ҳам бор.

ЖОЗЕ МОУРИНЬО ИТАЛИЯ ФУТБОЛИДАН МИННАТДОР

Миланнинг «Интер» клуби бош мураббийи Жозе Моуриньо Мюнхеннинг «Бавария» жамоасига қарши Европа чемпионлар лигаси финал учрашувидан кейин ўз фикрлари билан ўртоқлашаркан, Мадриднинг «Реал» жамоасига ўтишини деярли тасдиқлади.

Эслатиб ўтамиз, 22 май оқшомида айнан Мадриддаги «Сантьяго Бернабеу» стадионида бўлиб ўтган Европа чемпионлар лигасининг финал учрашувида «Интер» ўзининг аргентиналик ҳужумчиси Диего Милитонинг дубли эвазига «Бавария» устидан ғалаба қозонди.

— Мен Италия футболидан миннатдорман. Бу ерда ишлаш жуда ҳам оғир. Ҳар бир ўйин жуда кескин, катта клубнинг мураббийи учун юзага келадиган муҳитга чидаб бериш осон эмас. Мени мусобақаларимиз олдидан ҳам, ундан кейин ҳам бу ердаги ОАВ сутка давомида босим остида ушлаб турди. Мен Италия футболига миннатдорчилик билдираман, чунки у мени энг яхши мураббийга айлантирди, — деди Моуриньо.

АКА-УКА КЛИЧКОЛАР ЖАНГ ИШТИЁҚИДА

Ўта оғир вазнда WBC йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Виталий Кличконинг маълум қилишича, Дэвид Хэй Владимир Кличко билан ўтказиладиган жанг ҳақида бирон тўхтамга келишга шошилмаяпти.

— Хэй ким билан жанг олиб боришидан қатъи назар, охирги натижа аниқ — нокаут. Мен билан рингга тушса, унга анча енгил бўлади. Чунки мен уни 2-3 раунд ичида нокаут қиламан. Владимир эса бу ишни астасекинлик билан 11-12 раунд ичида бажаради. Бунга сабаб, у Хэй билан куч синашиш иштиёқида. Дэвид бу жанг унинг карьерасидаги охирги жанг бўлиши мумкинлигини фаҳмлаяпти, шекилли. Чунки Хэй бу жангда енгилса, ўз титулидан маҳрум бўлади, — деди Виталий Кличко.

Лобар РАҲИМЖОНОВА тайёрлади

САРЧАШМА

ЗАМАХШАРИЙ

Ҳақиқатнинг чироғини ўчириб бўлмайди

Эзгулик, хайрли ишларга астойдил кириш, уларни пайсалга солиб, кейин қиларман деган ўй-фикрлардан воз кеч, шайтон йўлдан урадиган шошма-шошарлик билан эмас, тафаккур ва идрок билан иш тут.

* * *

Низо ва нифоқ мавжуд бўлган жойда нохушлик бўлур, қайғу-ҳасрат, фақирлик келур.

* * *

Аввал қилиб келган хайрлигу эзгуликларингизга кейин ҳам (яъни доимо) эзгулик қўшаверинг, чунончи, қушнинг қанотидаги кичик патлари катта патларига мададкордир.

* * *

Барча қийин ишларни фақат ва фақат тадбир билан ҳал қилиш мумкин.

* * *

Бирор масалада фикр-мулоҳаза қила бошлаганингда зинҳор ошиқма. Ҳар томонлама ўйлаб, обдон фикрлаб иш тутгин.

* * *

Кимки ўз юртини севмаса, у ҳеч кимни севмайди. Ҳаққа интилган одамнинг ўзи туғилиб-ўсган гўшани, ота-онаси, қариндош-уруғларини севмаслиги мумкин эмас.

* * *

Қуёш нурларини беркитиб бўлмаганидек, ҳақиқатнинг чироғини ҳам ўчириб бўлмайди.

"Яхшилар баҳори ёхуд Маҳмуд Замахшарий даҳоси" китобидан

И.С.ТУРГЕНЕВ

Мухбир

Икки ўртоқ каттакон стол атрофида юзма-юз ширин суҳбат қуриб, чой ичиб ўтиришарди. Бирдан кўча томондан ғала-ғовур, бақир-чақир овози эшитила бошланди. Кимдир додлаб йиғлар, биров беҳаё сўзлар билан сўкинар, яна кимдир заҳархандалик билан тўхтовсиз куларди.

— Кимнидир уришаяпти, — деди деразадан атрофни кузатиб турган икки ўртоқнинг бири.

— Жиноятчимикан ёки жаллодми? — сўради дўсти.

— Э, дўстим, кимни дўппослашаётган бўлса ҳам ажратиш керак. Тайини йўқ жанжалнинг кимга ҳам кераги бор?!.

— Кетдик, ёрдам берайлик уларга.

— Тўхта-чи, калтак зарбидан шишиб кетган одам жаллодга ҳам, жиннига ҳам ўхшамайди.

— Унда ўғримикан? Тезда чиқайлик. Тўхтатиш керак ахир бу можарони.

— Э, ўғрига ҳам ўхшамайди.

— Ўғри бўлмаса, кассирми, темирйўлчими, ҳарбийми, оқловчими, муҳаррирми, амалдорми ёки сиёсий арбобмикан-а? Бўл, чиқдик кўчага. Дўппосланаётган бечорага ёрдам берайлик.

— Тўхтанг, таниганга ўхшаяпман. Дўстгинам, ахир мухбирни уришаяпти-ку.

— Мухбирни-я? Ана холос! Бўпти, чойимизни бемалол ичиб олайлик, сўнг бир гап бўлар...

Русчадан Пўлат ҲАМДАМ таржимаси

ТАБИАТ НЕЪМАТИ

«Аёллар гули»ни биласизми?

Дастарбош ўсимлиги ҳақида ажойиб бир ривоятни эшитганман. Ер юзидаги аёллар Олимп маъбудларига: "Ёшлигимиз ва жозибадор ҳусн-латофатимизни йўқотишни хоҳламаймиз. Илтимос, бизга ёрдам беринглар", — дея илтижо этадилар. Маъбудлар ҳам уларни тушуниб, замин узра ёрқин сариқ рангдаги ўсимлик уруғини сочиб юборишибди. Ўткир ҳидли ва доривор хусусиятга эга бу ўсимлик дастарбош эди. Шундан бери уни "аёллар гули" деб ҳам аташади.

Дастарбош бўйи 15 сантиметрга борадиган, ўзгача ҳидли, кўп йиллик ўсимлик бўлиб, Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги бошқа республикаларда кенг тарқалган. Йўл четларида, турар жойлар яқинида, сой бўйлари, тоғ ёнбағирлари, арчазор ва ўрмонларда, гоҳида ўтлоқларда ҳам ўсади.

Дастарбошнинг тўп гули, барги ва уруғи доривор ҳисобланади. Одатда ўсимликнинг саллак гуллари қирқиб, терилади. Барглари ҳам кесиб олиниб, салқин жойларда қуритилади. Гуллари қовоқранг — сариқ тусда бўлиб, диаметри 12 сантиметргача боради.

Халқ табобати амалиётида дастарбош тўпгулларининг кукуни ёки ундан тайёрланган дамлама, меъда-ичак касалликларида (гастрит, энтерит, колит) ел ва ўт ҳайдовчи, шунингдек, гижжаларга қарши шифо тариқасида ишлатилган.

Олимларнинг эътироф этишича, дастарбош препаратларидан қовуқ, буйрак касалликларига, никриз, бод, шақиқа, шамоллаш билан боғлиқ касалликларга, жароҳатларга даво бўлувчи омил сифатида ҳам фойдаланилган.

Дастарбошнинг гултўпламлари асосида тайёрланадиган дамлама юрак қисқариши амплитудасини кучайтиради, қон босимини оширади, ўт-сафро ажралишини оширади. Булардан ташқари, дастарбош қувват берувчи бўлиб, меъда-ичакнинг мушакларига даволовчи таъсир кўрсатади, овқатни ҳазм қилувчи безларнинг ширасини оширади. Ўсимлик таркибидаги эфир мойи гижжаларга қирон келтиради, микроорганизмларга ҳалокатли таъсир кўрсатади.

Дастарбош гуллари ҳамда барглари инсектицид, яъни зараркунандалар кушандаси сифатида бит ва бошқа ҳашаротларга қарши ишлатиб келинади.

Л.АБДУЛЛАЕВА тайёрлади

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 320-таянч мактаби томонидан Эргашева Рисолат Мурадуллаевна номига берилган C`R-Z № 0905597 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

HURRIYAT
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Зафар САИДОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@mail.ru

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Тошкент — 8-370-383-97-53
Қашқадарё — 8-375-310-17-73
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Бунёд АБДУЛЛАЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.55

® — тижорат белгиси.

Адади: 15240 Буюртма — Г-426 1 2 3 5